




Энза Заден Ўзбекистон



Uzbekistan

Энза Заден дурагайлари Сизнинг муваффақиятингиз калитидир!



Олег Gladуняк
Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича худудий директор
“Энза Семена Россия” компаниясининг бош директори

Муҳтарам ҳамкасблар!

Энза Заден кўп йиллардан буён халқаро бозорда сабзавот экинлари селекцияси бўйича етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Сифат ва инновация – бу бизнинг шиоримиз.

Энза Заден компаниясининг асосчиси Якоб Мазереу 1939 йилда ўз фаолиятини бошлаганда, унинг мақсади уруғларни сотиш бўлган. Ундаги кенгқамровлик ва тадбиркорлик руҳи туфайли компаниянинг ҳайратланарли ютуқларига асос солинди. Орадан 20 йил ўтгандан сўнг, яъни 1959 йилда компания бозорга кириш ва мижозларни яхшиланган навлар билан таъминлаш мақсадида ўсимликлар селекцияси бўйича иш бошлади.

Натижада кўплаб муваффақиятли навлар ва дурагайлар (бир-бирини алмаштирувчи) яратилиб, Энза Заден компания сифатида жаҳон миқёсида танилди.

Ҳозирги кунда Энза Заден сабзавот селекциясига ихтисослашган жаҳондаги ўнта энг йирик компаниялар қаторидан ўрин олди ва бундан биз фахрланамиз.

Биз деярли барча қитъаларда селекция станциялар ва тижорат корхоналарига, ҳамда 1400 та ходимга эга бўлиб, уруғчилик бизнесида энг тез ривожланаётган ва инновацион компаниялардан бири ҳисобланамиз. Бизнинг ассортиментимиз помидор, бодринг, қалампир, салат, пиёз ва қовун каби ўта муҳим ҳисобланган 20 хил экинларнинг 1000 дан ортиқ дурагай ва навларини ўз ичига олади.

Энза Заден турли худуд ва мамлакатлардаги ишлаб чиқарувчиларнинг ўсиб бораётган талабларини қондирадиган янги дурагай ва навлар яратиш мақсадида бутун дунёда юқори малакали ходимлар, самарали технологиялар ва замонавий ускуналарга инвестиция қилишни давом эттирмоқда. Маҳсулот ва ишлаб чиқарувчи ҳар доим бизнинг диққат марказимизда. Бу бир томондан биз етиштирган уруғлардан мазали ва юқори сифатли дурагай ва навларнинг кенг қўламини яратиш бўлса, бошқа томондан деҳқонларга жадал типдаги юқори ҳосилдор, ишончли дурагай ва навлар етказиб бериш бизга ҳузур бахш этади.

Селекционерларимизнинг юксак ихтирочилик қобилиятлари, илмий-тадқиқот марказларимизнинг тажрибаси ва ягона жамоа сифатида ишлаши, ҳамда замонавий ва ўта мураккаб технологиялардан фойдаланиш бизга қисқа муддатларда яхши натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Биз ҳаммиса бозор талабларининг энг янги тенденциялари ва ривожланиш йўналишларини инobatга олган ҳолда унга яқинроқ ва эътиборлироқ бўлишга интиламиз, бу бизнинг ҳозир ҳам, келажакда ҳам кучли тарафимиз ҳисобланади.

Бизнинг биринчи навбатдаги мақсадимиз йил давомида юқори сифатли уруғ етказиб беришдир. Бизнинг уруғларни қайта ишлаш бўлимимиз доим янги

услуглар яратади ва уруғнинг зарарланганлигини, унувчанлигини, навнинг тозаллигини ва мазкур навга мансублигини диққат билан текширишади. Уруғ етиштириш майдонларимиз жанубий ва шимолий яримшарларда жойлашган бўлиб, уруғларимизга бўлган талабларни тез қондириш имконини беради. Биз ер шарининг барча нуқтаси учун мос келадиган ва маҳаллий талабларга жавоб берадиган дурагай ва навларга эгамиз.

Турли мамлакатларда кўплаб тажрибалар ўтказиш ёрдамида, диққат билан муайян бозор учун муносиб селекция материаллар танлаймиз. Бозорда деҳқонлар билан яқин ҳамкорлик қилишимиз бизга энг сўнгги бозор тенденциялари ва ривожланиш йўналишларига амал қилиш имконини беради. Пировард натижада биз истеъмолчиларнинг талабларига, ҳамда маҳаллий шароитларда етиштириш тўлиқ мос келадиган энг зўр дурагай ва навлар ишлаб чиқарамиз.

Шарқий Европада иштирокимизга кўп бўлмаганига қарамасдан, турли хил сегментлар ва маҳсулот гуруҳлари селекцияда бир қанча ютуқларга эришишга муваффақ бўлдик. Бизнинг ассортиментларимиз бутун дунёда янгилангани каби, Ўрта Осиёда ҳам доим янгилашиб туради. Сизнинг кўпчилигингизга маълум бўлган Белле, Буран, Садин, Лоджейн дурагай помидорларимиз, Тристан, Мелен, Дерья бодрингларимиз, Ведрана ширин қалампирларимиз, Селеста редискамик ва Ардендо кабачогимиз кўплаб мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам сифат ва унумдорлик стандарти бўлиб улгурган.

Биз эришган марраларимизда тўхтамаймиз, ва мамнуният билан Сизга ушбу каталогимиз саҳифаларида мавжуд ва янги селекция материаллар тўғрисида тўпланган маълумотларни тақдим этамиз.


Ушбу қўлланма Энза Заден компаниясида анъанавий кучли бўлган томат, кубиксимон ширин қалампир ва салат бўйича, шунингдек кўпгина янги маҳсулотлар гуруҳини, жумладан, селекция йўналишида биз учун янги бўлган, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда муваффақиятли етиштириб келинаётган чўтир бодринг, конуссимон ширин қалампир, пиёз ва бошқа ўсимликлар дурагайлари ва навлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Агар Сиз компаниямиз ва жаҳонга таклиф қилинаётган ассортиментимиз ҳақида батафсил маълумот олишни хоҳласангиз www.enzazaden.com сайтга киришингиз мумкин.

Биз Сизга Энза Заден селекцияси уруғларидан сабзавотларни етиштириб, муваффақиятга эришингиз ва гуллаб-яшнашингизни тилаймиз!

Бизнинг дурагай ва навларимизни танлашингиз биз учун энг буюк мукофотдир!

Энза Заден жамоаси

Энза Заденнинг халқаро офислари



Энза Заден илмий тадқиқот станциялари

- 1 Нидерланды – Энкхаузен
- 2 Франция – Аллон, Сомюр
- 3 Франция – Шаторенар, Прованс
- 4 Испания – Санта Мария дель Агила, Альмерия
- 5 Испания – Албухон, Мурсия
- 6 Италия – Тарквиния, Лацио
- 7 Италия – Акате, Сицилия
- 8 Туркия – Анталия
- 9 Германия – Данштадт, Пфальц
- 10 АҚШ – Сан Хуан Баутиста, Калифорния
- 11 АҚШ – Брадентон, Флорида
- 12 Мексика – Кулиакан, Синолоа
- 13 Австралия – Нарромайн
- 14 Янги Зеландия – Пукекохе, Шимолий орол
- 15 Хитой – Пекин
- 16 Хитой – Гуандиун
- 17 Ҳиндистон – Пюне
- 18 Малайзия – Куала-Кансар
- 19 Бразилия – Оламбра

Энза Заденнинг Халқаро Савдо тижорат офислари

- 20 Нидерланды – Энкхаузен – Энза Заден Бенилюкс
- 21 Нидерланды – Энкхаузен – Энза Заден Экспорт
- 22 Нидерланды – Форст – Виталис
- 23 Буюк Британия – Эвестхем
- 24 Франция – Аллон
- 25 Испания – Санта Мария дель Агила
- 26 Маракко – Агадир
- 27 Италия – Тарквиния
- 28 Германия – Данштадт
- 29 Польша – Варшава
- 30 Болгария – Пловдив
- 31 АҚШ – Салинас
- 32 Хитой – Пекин
- 33 Хитой – ГонгКонг
- 34 Мексика – Лос Мочис
- 35 Бразилия – Оламбра
- 36 Ҳиндистон – Пюне
- 37 Россия – Москва
- 38 Канада – Лимингтон
- 39 Малайзия – Джорджтаун

Уруғ ишлаб чиқариш станциялари

- 40 Танзания – Аруша
- 41 Жанубий Африка – Аудсхорн
- 42 Аргентина – Мендоза

Илмий-тадқиқот ва тижорат қўшма корхоналари

- 43 Индонезия – Пурвакарта
- 44 Нидерланды, КиДжин – Вагенинген
- 45 Жанубий Африка, Весткейп – Стелленбош

Мундарижа

Муҳтарам ҳамкасблар!	3	Ошқовоқ	52
Энза заденнинг халқаро офислари	4	Салат	54
Илмий-тадқиқот технологиялари	6	Эндивий фризе	61
Виталис – органик деҳқончилик учун уруғлар	8	Исмалоқ	62
Помидор	10	Радиччи	63
Бодринг	24	Илдизмевали сельдер	63
Қалампир	32	Баргли сельдер	63
Қовун	38	Корн салат	64
Тарвуз	40	Порей пиёзи	65
Карам	41	Фенхель	66
Гулкарам	42	Кольраби	67
Пиёз	43	Кўкатлар	69
Кабачок	44	Агротехник тавсиялар	72
Редиска	48	Экинларнинг чидамлилигини аниқлаш	85
Бақлажон	50	Общие условия продажи и поставки семян	88





Селекция

Илмий-тадқиқот технологиялари

Энза Заден уруғликлар технологияси бўйича илмий-тадқиқотларнинг барча жабҳаларида фаолдир, у уруғликлар сифатини яхшилаш борасидаги усуллар ва воситаларни излашда доимий ҳаракатда. Бизнинг ички илмий-технологик тадқиқотларимиз туфайли ўз миқозларимизга етказиб бериладиган уруғликларнинг униб чиқиш тезлиги, уларнинг текислиги ва фоизини яхшилашга муваффақ бўлинди.

Биз уруғликларни соғломлаштириш бўйича жуда кўп лойиҳаларда иштирок этамиз, улар уруғликлар орқали ўтадиган баъзи бир касалликларнинг оқибатлари билан курашишга қаратилган. Энза Заден бутун дунёда ISHI (International Seed Health Initiative) тест-баённомаларини стандартлаштиришга қаратилган қиёсий тестлаш бўйича лойиҳаларда биргаликда иштирок этади.

Уруғликларни бижғитиш, уларга кимёвий ишлов ўрнига жисмоний ва биологик ишлов бериш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Энза Заденнинг селекция бўлими муайян селекция лойиҳалари устида иш олиб бораётган тадқиқотчи олимлар гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Экинларнинг ўсиш ҳужайралари ва таналарини ўрганиш – сараланган ниш плазмаларини сунъий (in vitro) сақлаш ва кўпайтириш, селекция жараёнини тезлаштириш мақсадида жуфт гаплоид инвитро линияларини тузиш, турлараро чатиштиришни қўллаган ҳолда генетик ўзгарувчанлик спектрини кенгайтириш кабиларни ўз ичига олади. Ҳужайра биологияси бўйича тадқиқотлар селекция материалларимизга ядро ёки цитоплазманинг кодланган хоссаларини ҳужайралар қўшилиши усули ёрдамида киритишга қаратилган. Молекуляр биология бўйича тадқиқотлар эса селекцияга RAPD, SCARS, AFLP каби молекуляр маркерларни киритишга қаратилган.

Фитопатология бўлимида биз патоген микроорганизмлар ва зараркундаларни, шунингдек, уларнинг сабзавот экинларига таъсирини ўрганамиз. Касалликларга нисбатан тестлар ишлаб чиқиш ва ўтказиш, шунингдек, касалликларга чидамликнинг янги манбаъларини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Биокимё бўлимида махсус таркибларни аниқлаш ва ёки таҳлил этиш учун юқори даражада автоматлашган жиҳозлар ишлатилади, улар орқали сабзавот экинларининг таъм, потенциал заҳарлилик, касаллик ва зараркундаларга бардошлилик ва селекция учун муҳим бўлган бошқа сифатлари ўрганилади.



Касалга чидамлигини назорати



Экинни ҳужайра ва тўқималарини тадқиқоти



Уруғ ишлаб чиқариш




Танлов



Уруғ тозалаш ва саралаш



Уруғ унувчанлиги назорати



Уруғ сифати назорати



Молекуляр маркерлар



Уруғга ишлов бериш



Уруғни қадоқлаш



Парваришланган уруғлар – эртаки ҳосил гарови



Виталис – органик деҳқончилик учун уруғлар

Илмий-тадқиқот фаолияти ва органик деҳқончилик учун уруғларни ишлаб чиқариш технологияси

Биз ўз мижозларимизга Энза Заден компаниясининг нав ва дурагайлари билан бутун ассортиментини таклиф этамиз. Уларнинг уруғлари органик деҳқончилик усули билан ишлаб чиқарилган. Ушбу уруғлар ишлаб чиқарувчиси – Энза Заден таркибидаги ихтисослашган корхона - “Vitalis Biologische Zaden BV” Голландиянинг Ворст шаҳарчасида жойлашган бўлиб, унда юқори малакали мутахассисларимиз меҳнат қиладилар.

Сабзавотларни органик деҳқончилик усули билан етиштириш ғояси анъанавий сабзавотчиликда қўллаб бўладиган методлар ва технологияларни ишлатиш билан боғланган. Ўз фаолиятида органик деҳқончиликнинг таянч тамойилларига асосланиб (биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, экологик мақбуллик ва экологик тозаллик каби), бизнинг ихтисослашган корхонамиз энг замонавий ишлаб чиқариш технологиялар ва сифат стандартларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда. Натижада биз селекция ва ишлаб чиқаришда инновацион ечимларга келдик, бу эса ўз навбатида мутлақ сифатга эга мазали ва соғлиқ учун фойдали сабзавотлар етиштириш мумкин бўлган юқори сифатли уруғлар ишлаб чиқарилишига олиб келди!

Ҳозирги вақтда Виталис компанияси органик уруғ ишлаб чиқариш ва маркетинг бўйича дунёнинг етакчи компанияси ҳисобланади. 1994 йили ташкил топган Виталис компанияси 1998 йилда Энза Заден компанияси таркибига кириб, Энза Заден компанияси гуруҳида мустақил компания сифатида фаолият кўрсата бошлади. Виталис компаниясининг асосий мақсади – истеъмолчи талабларидан келиб чиққан ҳолда чидамли навлардан органик уруғ ишлаб чиқаришдан иборат. Шу мақсадда Виталис компанияси турли экинлар ва навларнинг кенг ассортиментидаги уруғлари селекцияси ва уларни танлаб олишга катта эътибор беради. Ушбу навлар органик уруғ талабларига тўла жавоб бера олиши учун махсус синовлардан ўтказилади. Натижада синовдан яхши ўтган навларгина маҳсулот ассортиментида жой олади. Шундай қилиб, Виталис компанияси Сизга, органик уруғларнинг кенг ассортименти тақдим қилади.

Энза Заден компаниясининг ривожланган халқаро дистрибьюторлик тармоғи ва экспорт тизимидан фойдаланган ҳолда, биз сайёрамизнинг барча бурчакларида органик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни уруғлар билан таъминлаймиз. Бизнинг органик уруғ ассортиментида тўғрисидаги қўшимча ахборотларни Сиз <http://eu.biovitalis.eu/> сайтидан олишингиз мумкин. Бундай уруғларга буюртма бериш ва уларни сотиб олиш учун Энза Заден компаниясининг минтақавий менежерларига мурожаат қилинг.





ПОМИДОР

180-200 граммли помидорлар

Белле F1 | Belle

Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун мўлжалланган жуда гўштли, эртапишар, шода ораси жуда қисқа, индетерминант типдаги дурагай. Белле кучли дурагайлардан саналиб, меваси юқори сифатга эга. Мевасининг вазни 180–200 грамм, шакли думалоқ, қаттиқ, ранги қизил. Ушбу дурагай транспорт воситаларида узоқ масофаларга ташишга жуда яроқли ва чидамли ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида ёзги-кузги ва қишки-баҳорги мавсумларда экиш учун тавсия этилади.

Ведетта F1 | Vedetta

Кучли ўсимлик бўлиб, бўгин оралиғи ўртача. Мева шодаси ихчам, меваси жуда қаттиқ, думалоқ шаклга эга, вазни 180–200 граммни ташкил этади. Ранги тўқ қизил ва эртапишар дурагай ҳисобланади. Ҳосилдорлиги юқори, ҳар бир бўғинда 5-6 тадан йирик мева беради. Узоқ масофаларга ташиш учун яроқли.

Аманета F1 | Amaneta

Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун мўлжалланган ушбу янги дурагай жуда ҳам бақувват, вегетатив ўсувчи, мева шодаларини яхши тугади. Ҳосилдорлиги юқори, ҳар бир бўғинда 5-6 тадан йирик мева беради, айниқса эртапишарлиги ва давомий ҳосил бериши билан ажралиб туради. Мева оғирлиги 180-200 грамм, ранги тўқ қизил, қаттиқ ва ёрилишга чидамли. Узоқ муддат давомида сақланиши билан бошқа навлардан ажралиб туради. Ушбу дурагай Энза Заден компаниясининг энг қаттиқ помидорлари сарасига киради. Тупроқ ва субстратда ўстириш учун мўлжалланган дурагай ҳисобланади.

Байконур F1 | Baikonur

Ушбу янги дурагай ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун мўлжалланган. Энза Заден дурагайлари ичида энг эртапишар индетерминант дурагайларида бири. Мева шодалари бир-бирига яқин жойлашган. Мевасининг оғирлиги 180-200 грамм, тўқ қизил рангда. Ажойиб таъмга эга. Узоқ масофаларга ташиш учун яроқли, жуда кенг доирадаги касалликларга чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекистон шароитида қишки-баҳорги мавсумда экиш учун тавсия этилади. Тупроқ ва субстратда ўстириш учун мўлжалланган дурагай ҳисобланади.

Шаная F1 | Shanaya янги

Шаная F1 ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун мўлжалланган. Шодаларидаги мевалар бир текисда шаклланади. Мевасининг шакли ясси думалоқ, оғирлиги 180-200 грамм, тўқ қизил рангда. Эртапишар ва касалликларга чидамлилиги жуда юқори. Тупроқ ва субстратда ўстириш учун мўлжалланган дурагай ҳисобланади. Ўзбекистонда баҳор ва куз мавсумларида экишга тавсия қилинади.



Байконур F1

ПОМИДОР



Луанова F1



Элпида F1



Муалла F1

190-220 граммли помидорлар

Луанова F1 | Luanova

Серҳосил ва мосланувчан бўлган индетерминант дурагай. Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналарда экиш учун тавсия этилади. Мевасининг шакли думалок, қаттиқ, ёрилишга чидамли, 190–220 грамм, қизил рангда. Ўзбекистон шароитида ҳамма мавсумга экиш учун тавсия этилади. Узоқ масофаларга ташиш учун яроқли, жуда кенг доирадаги касалликларга чидамли. Субстратли иссиқхоналарга ҳам экиш мумкин.

Эксане F1 | Exane

Кучли вегетатив ўсувчи дурагай. Ҳосилдорлигининг юқорилиги ва мевасининг эрта пишиши билан бошқа дурагайлардан ажралиб туради. Палаги жуда ҳам бақувват, бўгин орилиғи узун. Меваси тўқ қизил, 190–200 грамм, қаттиқ, ёрилишга чидамли. Август ойида экиб, узоқ муддат-келаси йил июнгача ҳосил олиш мумкин. Баҳорги ва ёзги-кузги мавсум учун экишга тавсия этилади.

Элпида F1 | Elpida

Ривожланиш жараёни тез, доимий равишда ҳосил тугувчи дурагай. Палаги бақувват, гул шодаси бир-бирига яқин бўлиб, ҳар бир гул шодасида 5–6 та мева тугади ва 16 та гул шодасигача ҳосил беради. Мевасининг шакли бир хил думалок, қизил рангда, вазни йирик 200–220 граммни ташкил этади. Мевалари ёрилишга чидамли. Илдиз тизими бақувват. Ҳосилдорлик даражаси юқори. Ёзги-кузги ва қишки-баҳорги мавсумларда экиш учун тавсия этилади.

Муалла F1 | Mualla янги

Эртапишар, генератив ўсувчи, палаги ихчам дурагай. Мева шодалари ораси яқин. Шодадаги мевалари бир текисда шаклланади. Мевасининг киприклари очиқ, ясси думалок, оғирлиги 200-220 грамм, тўқ қизил рангда. Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган. Ўзбекистонда куз-қиш ва баҳор мавсумларида экишга тавсия қилинади.

220 грамм ва ундан йирик бўлган помидорлар

Буран F1 | Buran

Индетерминант дурагай помидор бўлиб, жуда ҳам бақувват ва бўгин орилиғи қисқа. Юқори ҳосилдорликка эга ва катта шода тугади. Мевасининг шакли ясси думалок, қиррали, ўртача вазни эса 220–250 граммгача этади. Мевасининг сифати жуда ҳам аъло даражада. Илдиз тизими бақувват, ноқулай шароитларга мослаша олади. Буран тупроқда ва субстратда ўстириш учун мўлжалланган эртапишар дурагай ҳисобланади.

Берберана F1 | Berberana

Палаги бақувват ва ихчам (компакт), бўгин орилиғи яқин дурагай. Мевасининг шакли бир хил йирик 250-280 грамм, қизил рангда. Ушбу дурагай қишки-баҳорги мавсум учун тавсия этилади. Ҳосилдорлик даражаси юқори бўлиб, турли касалликларга, меваси эса ёрилишга чидамли. Ўзбекистон иссиқхоналари шароитида тажрибадан ўтган ва энг яхши натижа кўрсатган дурагайлардан бири.

Пушти рангли помидорлар

Пинкшайн F1 | Pinkshine

Ўзбекистон бозорларининг талабига мос келадиган янги индетерминант, ҳар қандай шароитларга мослашувчи дурагай. Меваси пушти рангли, қаттиқ, ёрилишга чидамли, 160-180 грамм. Мева бўгин орилиғи яқин, эртапишар. Таъм ва сифат бўйича бошқа пушти помидорлар ичида ажралиб туради. Ҳамма мавсум учун экиш тавсия этилади.



Буран F1






























Берберана F1



Пинкшайн F1



Дурагайлар	Чидамлиги		Мевасининг вазни	Етилиш вақти	Етиштириш турлари	Изоҳлар
	HR	IR				
180-200 граммли помидорлар						
Белле F1 Belle	ToMV:0-2/Va:0/Vd:0/Fol:0,1		180-200 гр	Эртапишар	 	Меваси бир текисда етилади
Ведетта F1 Vedetta	ToMV:0-2/Va:0/Vd:0/Fol:0,1		180-200 гр	Эртапишар	 	Жуда ҳам бақувват, серҳосил ўсимлик
Аманета F1 Amaneta	ToMV:0-2/Va:0/Vd:0/Fol:0,1/For		180-200 гр	Ўртапишар	 	Меваси қаттиқ
Байконур F1 Baikonur	ToMV:0-2/Ff:A-E/Va:0/Vd:0/Fol:0,1		180-200 гр	Эртапишар	 	Энг эртапишар дурагай
Шаная F1 Shanaya янги	ToMV:0-2/Ff:A-E/Va:0/Vd:0/Fol:0-2/For		180-200 гр	Эртапишар	 	Мевалари бир текисда шаклланади
190-220 граммли помидорлар						
Луанова F1 Luanova	ToMV:0-2/Va:0/Vd:0/Fol:0,1/For		190-220 гр	Ўртапишар	 	Субстратда ҳам етиштириш мумкин
Эксане F1 Exane	ToMV:0-2/Ff:A-E/Va:0/Vd:0/Fol:0-2		190-200 гр	Эртапишар	 	Узоқ муддат ҳосил олиш мумкин
Элпида F1 Elpida	ToMV:0-2/Va:0/Vd:0/Fol:0,1/For		200-220 гр	Ўртапишар	 	Меваси йирик
Муалла F1 Mualla янги	ToMV:0-2/Ff:A-E/Va:0/Vd:0/Fol:0-2		200-220 гр	Эртапишар	 	Меваси ясси думалоқ
220 грамм ва ундан йирик бўлган помидорлар						
Бурани F1 Buran	ToMV:0-2/Ff:A-E/Va:0/Vd:0/Fol:0,1		220-250 гр	Эртапишар	 	Меваси юқори сифатли
Берберана F1 Berberana	ToMV:0-2/Ff:A-E/Va:0/Vd:0/Fol:0,1		250-280 гр	Ўртапишар	 	Касалликларга ва ёрилишга чидамли
Пушти рангли помидорлар						
Пинкшайн F1 Pinkshine	ToMV/TSWV/TYLCV/Va/Vd/ Fol:0,2		160-180 гр	Эртапишар	 	Ҳосилдорлиги юқори

HR: High Resistance – Кучли чидамли | IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилик даражаси белгилловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтидан топишингиз мумкин.  Ойнали иссиқхона |  Плёнкали иссиқхона |  Очик дала

ПОМИДОР

ПРОФЕССИОНАЛ ИССИҚХОНАЛАР УЧУН ПОМИДОРЛАР

Черри помидорлар

Нектар F1 | Nectar

Нектар озгина кенг ҳолда ўсадиган, жуда ҳам бақувват, очиқ типдаги дурагай. Шодаларини ажойиб тартибда тугади, узун ва бир текис бўлиб ўсади. Мевасининг шакли думалоқ, ажойиб қизил рангда этилади, вазни 15-18 грамм. Меваси коктейл помидорларга қараганда озгина майдароқ бўлиб, шакли бир хил. Бу дурагай ажойиб таъми билан ҳам бошқа помидор дурагайларида ажралиб туради.

Томаджино F1 | Tomajino

Эртапишар, кучли, очиқ ҳолда ўсадиган, шодалари ораси ўртача, тез ўсувчи черри дурагай. Шодалари бир текис ривожланади ва шоодаги меваларининг ҳаммаси бир вақтда қизаради. Шодалаб узиб сотишга мўлжалланган, ёрилишга чидамли. Мевасининг вазни 20-22 грамм, тўқ қизил рангда, таъми жуда ширин ва ёқимли ҳидга эга. Узоқ масофага ташиш учун яроқли. Ерда ва субстратда етиштиришга мўлжалланган.

Коктейл помидорлар

Кампари F1 | Campari

Юқори ҳосилдорликка эга ва очиқ типда ўсувчи дурагай. Мевасининг шакли бир хил, думалоқ, тўқ қизил ялтироқ рангда, вазни 50-60 грамм. Шодалари жуда ҳам чиройли айна бозорбоп. Ойнаванд иссиқхоналарда ўстирилганда жуда ҳам сифати юқори маҳсулот беради. Ҳозирга қадар бутун дунё иссиқхоналарида юқори сифат кўрсаткичли натижалар кўрсатиб келмоқда.

Аннамай F1 | Annamay

Палаги бақувват ва очиқ типда ўсувчи, селекциянинг энг охирги ва омадли дурагайларида. Аннамай озгина кичикроқ коктейл типдаги томат бўлиб, вазни 30-40 грамм, мевасининг юқори сифатга ва ажойиб хушбўй таъмга эгаллиги билан ажралиб туради. Шодалари жуда ҳам чиройли, айна бозорбоп. Ойнаванд иссиқхоналарда ўстирилганда жуда ҳам сифати юқори маҳсулот беради. Аннамай тупроқда ва субстратда ўстириш учун мўлжалланган эртапишар дурагай ҳисобланади.

Олхўрисимон черри помидорлар

Вespoлино F1 | Vespolino

Янги мосланувчан дурагай. Палаги бақувват ва очиқ типда ўсувчи, бўғин оралиғи ўрта, иқлимнинг кескин ўзгаришида мевасини осон тугиши билан ажралиб туради. Шоода мевалари тенг этилади ва қизаради. Меваси олхўрисимон, тўқ-қизил рангда, вазни 25-30 грамм. Ҳосилини шодаси билан ёки алоҳида ҳам териш мумкин. Меваси ёрилишга ва чиришга чидамли. Барча турдаги иссиқхоналарда етиштириш учун тавсия этилади.

Сариқ рангли помидорлар

Мэтью F1 | Matthew

Янги индетерминант, олхўрисимон, сариқ помидор дурагайи. Палаги бақувват, бўғин оралиғи ўрта. Паст об-ҳаво шароитида яхши ўсади ва осон мева тугади. Ҳосилдорлиги юқори. Шоодада 14-16 та бир хил шакл ва вазнга эга мева тугади, меваси 30-35 грамм. Ранги ажойиб ялтироқ кўринишга эга, ёрилиш ва чиришга чидамли. Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун тавсия этилади.

Гуалдино F1 | Gualdino

Гуалдино жуда ҳам бақувват ва очиқ ҳолда ўсувчи дурагайларида ҳисобланади. Бу дурагай ўз шодаларини яхши ушлайди. Мевасининг шакли ясси думалоқ бўлиб, жуда ҳам яхши кўринишга эга. Мевасининг вазни 100-120 граммгача, ранги сариқ ҳолда пишиб этилади. Бу дурагай мевасини шодалаб ёки доналаб териш мумкин. Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналарда тупроқ ёки субстратда етиштириш учун мўлжалланган.



Нектар F1




Томаджино F1



Аннамай F1



Мэтью F1



Гуалдино F1



Вespoлино F1



ПОМИДОР

110-140 граммли помидорлар

Тугба F1 | Tugba

Тугба F1 дурагайи палаги бақувват ва ҳар хил шароитларга мослашувчан, мевасининг ранги чиройли ва қаттиқ. Бошланғич этапдаги мевалари жуда катта бўлмайди. Меваларининг ранги тўқ қизил, 110-120 грамм бўлади. Қиш мавсумида ҳам яхши ҳосил бера олади. Профессионал иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган.

Диамантино F1 | Diamantino

Ойнали ва плёнкали иссиқхоналар учун мўлжалланган, палаги очик, кучли типдаги дурагай. Меваси ясси думалоқ, тўқ қизил рангда, қаттиқ, 120-140 грамм атрофида бўлади. Мева шодалари жуда тез ривожланади. Стрессларга жуда чидамли бўлиб, ерда ва субстратда етиштиришга мўлжалланган. Диамантинонинг бошқа дурагайлардан ажралиб турадиган яна бир томони, у ёруғлик кам бўлган кунларда ҳам яхши ривожланади. Бу дурагайни ноябрь ойининг бошидан январ ойининг охиригача экиш тавсия этилади.

160-180 граммли помидорлар

Максеца F1 | Maxeza

Жуда кучли ўсимлик бўлиб, бўғин оралари яқин, тезпишар дурагай. Шодадаги меваларининг барчаси бир текисда ривожланади. Меваси жуда қаттиқ, узоқ йўлга ташишга мўлжалланган, шакли думалоқ, вазни 160-180 грамм, ранги тўқ қизил. Меваси ёрилишга жуда чидамли. 5 этап шодалари бир текисда 160-180 граммлик мева бера олади.

220-240 граммли помидорлар

Бартеза F1 | Barteza

Эртапишар ва серҳосил дурагайлардан бири ҳисобланади. Ўсишнинг бошланғич даврида палаги жуда кучли бўлади. Ҳосил кўпайган сари палак очик турга киради. Ярим очик, шодалар ораси ўрта, барглари горизонтал ҳолатда ўсади. Шодалари бошқа дурагайларнинг шодаларига нисбатан тез ривожланади. Мевалари ясси думалоқ, ранги тўқ қизил, 4 этап шодада мевалари бир хил 220-240 грамм атрофида бўлади. Мевалари сифатли, ёрилишга чидамли, қаттиқ, транспортда ташиш учун жуда қулай. Узоқ сақлаш учун мўлжалланган. Тупроқ ва субстратда етиштириш мумкин. Кузги-қишки мавсумда етиштириш учун жуда мос келади.



Диамантино F1



Максеца F1



Бартеза F1



Дурагайлар	Чидамлилиги			Ўсимликнинг ўсиши	Мевасининг вази	Етилиш вақти	Етиштириш турлари	Изоҳлар
	HR	IR	T					
Черри помидорлар								
Нектар F1 Nectar	ToMV/ Ff:A-E/Fol:0,1			Шода ораси ўртача, бақувват ўсимлик	15-18 гр	Эртапишар		Таъми ажойиб, шодаси узун
Томажино F1 Tomagino	ToMV/Va/Vd/Fol:0/For	On		Бақувват ўсимлик	20-22 гр	Эртапишар		Мева шодаси бир текисда пишиб етилади
Коктейл помидорлар								
Кампари F1 Campari	ToMV/Va/Vd/ Fol:0,1/For	Ma/Mi/Mj		Бақувват ўсувчи, очиқ типдаги дурагай	50-60 гр	Ўртапишар		Ҳосилдорлик даражаси юқори
Аннамай F1 Annamay	ToMV/Ff:1-5/Va/Vd/ Fol:0,1/For			Очиқ типдаги бақувват ўсувчи	30-40 гр	эртапишар		Меваси юқори сифатга эга
Олхўрисимон черри помидорлар								
Весполо F1 Vespolino	ToMV/Fol:0,1	Ma/Mi/Mj		Бақувват, очиқ типда ўсувчи	25-30 гр	Эртапишар		Иқлим кескин ўзгаришига чидамли
Сариқ рангли помидорлар								
Метью F1 Matthew	ToMV/Ff:1-5/Va/Vd/ Fol:0,1/For			Палаги бақувват	30-35 гр	Эртапишар		Шодаси бир хил мева тугади
Гуалдино F1 Gualdino	ToMV/Ff:1-5/Va/Vd/ Fol:0,1/For			Бақувват, очиқ типда ўсувчи	100-120 гр	100-120 гр		Экзотик сариқ рангли
110-140 граммли помидорлар								
Тугба F1 Tugba	ToMV:0-2/Ff:A-E/Va:0/ Vd:0/Fol:0,1/For			Палаги бақувват	110-120 гр	Эртапишар		Меваси ёрилишга чидамли
Диамантино F1 Diamantino	ToMV:0-2/Va:0/Vd:0/ Fol:0,1/For	On	Si	Ёруғлик кам бўлган кунларда яхши ривожланади	120-140 гр	Эртапишар		Стрессларга жуда чидамли
160-180 граммли помидорлар								
Максеца F1 Maxeza	ToMV:0-2/Ff:A-E/Fol:0,1/ For	On	Si	Жуда кучли ўсимлик	160-180 гр	Эртапишар		Шодалари бир текисда 160-180 гр. мева беради
160-180 граммли помидорлар								
Бартеза F1 Barteza	ToMV:0-2/ToANV/Ff:A-E/ Va:0/Vd:0/Fol:0,1/For	On/Ma/ Mi/Mj		Барглари горизонтал ҳолатда ўсади	220-240 гр	Эртапишар		Мевалари сифатли, қаттиқ
HR: High Resistance – Кучли чидамли IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилиги даражаси белгилловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтдан топишингиз мумкин. Ойнали иссиқхона Плёнкали иссиқхона Очиқ дала								



ПОМИДОР

Очиқ дала помидорлари

Садин F1 | Sadeen

Янги узилган ҳолда истеъмол қилишга мўлжалланган, иссиқ ёз ойида очиқ далада ўстириладиган, эртапишар детерминант дурагай. Палаги бақувват ва очиқ ҳолда ўсади. Меваларини яхши қоплаб турадиган, тўқ яшил, қалин барг массасига эга. Мевасининг вазни 200-220 грамм, текис думалоқ бир хил шаклда, тўқ қизил рангда бўлади. Шодалари чиройли ва бир текисда ўсади, юқори ҳосилдорликка эга. Кўпгина касалликларга чидамли.

Ложейн F1 | Lojain

Палаги ва илдизи бақувват дурагай. Мева солиши яхши, бир хил катталиқда. Меваси қаттиқ, тўқ қизил рангда бўлиб, вазни ўртача йирик 150-180 грамм. Барг вазни яхши ва бақувват. Ҳосилдорлик даражаси юқори бўлиб, иссиқ мавсумга чидамли дурагай.

Бехрам F1 | Behram

Эрта ҳосилга кирувчи, илдиз тизими ва палаги яхши ривожланган дурагай. Меваларини қуёш нуридан яхши сақлай олади. Меваси думалоқ шаклда, қизил рангли, вазни 180-200 грамм. Меваси палакда узок сақлана олади. Ушбу дурагай юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради.

Имран F1 | Imran

Энза Заден селекциясининг янги йирик мевали ва серҳосил детерминант дурагайи. Имран бақувват ўсади ва меваларини қуёш нуридан яхши сақлай олади. Эртапишар, меваси думалоқ, қовурғасиз, тўқ қизил рангда, вазни 180-200 грамм. Ушбу дурагай меваларининг вазни ва шакли бўйича стандартлиги билан бошқа барча дурагайлардан ажралиб туради. Ҳосили эса бир вақтда ва баробар қизаради.

Айваз 331 F1 | Ayvaz 331

Энза Заден компанияси селекциясининг янги ва муваффақиятли дурагайлариандир. Эрта ҳосилга кириши ва ўзининг юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Айвазнинг илдиз тизими яхши ривожланган, палаги бақувват ва барг массаси мевани қуёш нуридан бемалол ёпа олади. Меваси думалоқ, тўқ қизил рангда, палакда яхши сақлана олади. Мевасининг оғирлиги 180-220 грамм.



Ложейн F1



Бехрам F1



Имран F1

ПОМИДОР



Юсуф F1

Очиқ дала помидорлари

Юсуф F1 | Yusuf 408

Палаги ва илдизи бақувват детерминант дурагай. Ҳосил тугиши давомий, кеч кузгача. Меваси думалоқ, ялтироқ қизил рангда, вазни 180–220 грамм. Юсуф мевасининг қаттиқлиги, ажойиб мазаси билан ажралиб туради. Палаги ўз меваларини қуёш нурларидан жуда яхши сақлай олади.

Очиқ дала олхўрисимон помидорлари

Лината F1 | Linata янги

Генератив типда ўсувчи палаги ва илдиз тизими бақувват янги детерминант олхўрисимон томат дурагайи. Иссиқ иқлим шароитида мева тугиши аъло даражада. Меваси олхўрисимон, қаттиқ, тўқ қизил рангда, вазни 80-90 грамм. Барглари қалинлиги ҳисобига меваларини қуёш нуридан яхши сақлай олади. Юқори ҳосилдорлик ва меваларининг шакл ва вазн бўйича стандартлиги ушбу дурагайнинг энг устун томонларидан ҳисобланади.

Кубва F1 | Kubwa янги

Генератив типда ўсувчи дурагай, барглари қалинлиги ҳисобига меваларини қуёш нуридан яхши сақлай олади. Кетма-кет гуллайди. Мевасининг ранги оч қизил, шакли олхўрисимон бўлиб, ўртача вазни 100 гр. Мева киприклари жуда чиройли. Меваси қаттиқ, қисқа муддатда пишиб етилгани учун қайта ишлашга жуда яхши.

Морелия F1 | Morelia

Очиқ далада етиштириш учун мўлжалланган олхўрисимон томат дурагайи. Палаги ва илдиз тизими бақувват бўлган, мева тугиши осон ва аъло даражадаги ушбу дурагай ўзининг юқори ҳосилдорлиги билан кўзга ташланади. Меваси олхўрисимон, қаттиқ, қизил, вазни 140 – 160 гр. Иссиқ иқлим шароитида етиштирилганда ушбу дурагайда ҳақиқатдан мева сифати ва юқори ҳосилдорликка эга бўлади.




Лината F1 (E15B.60037)

Дурагайлар	Чидамлилиги			Ўсимликнинг	Мевасининг вазни	Етилиш вақти	Етиштириш турлари	Изоҳлар
	HR	IR	T					
Очиқ дала помидорлари								
Ложейн F1 Lojain	ToMV:0-2/Va:0/Vd:0/Fol:0,1	TYLCV		Барг пластинкаси вазни яхши, бақувват	150-180 гр.	Ўртапишар	☄	Иссиқ ёзда далада ўстириш учун
Бехрам F1 Behram	ToANV/Va:0/Vd:0/Fol:0,1	TSWV/TYLCV/Ma/Mi/Mj		Палаги ва илдизи кучли	180-200 гр.	Эртапишар	☄	Юқори ҳосилдорлик ва мева сифати
Имран F1 Imran	Lt/Va:0/Vd:0/Fol:0,1	TSWV/Ma/Mi/Mj		Бақувват ўсувчи дурагай	180-200 гр.	Эртапишар	☄	Ҳосили бир вақтда ва баробар қизаради
Айваз 331 F1 Ayvaz 331	ToANV/Va:0/Vd:0/Fol:0,1	TSWV/Ma/Mi/Mj		Палаги кучли	180-220 гр.	Эртапишар	☄	Ҳосилдор ва касалликларга чидамли
Садин F1 Sadeen	Lt/Va:0/Vd:0/Fol:0,1			Бақувват ўсувчи дурагай	200-220 гр.	Эртапишар	☄	Юқори ҳосилдор ва баробар қизаради
Юсуф F1 Yusuf 408	Va:0/Vd:0/Fol:0,1	Ma/Mi/Mj		Детерминант, палаги кучли	200-220 гр.	Ўртапишар	☄	Ҳосилдорлиги юқори, ташиш учун қулай

HR: High Resistance – Кучли чидамли | IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилиги даражаси белгилловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтдан топишингиз мумкин. ☐ Ойнали иссиқхона | ☐ Плёнкали иссиқхона | ☄ Очиқ дала

Дурагайлар	Чидамлилиги			Ўсимликнинг	Мевасининг вазни	Етилиш вақти	Етиштириш турлари	Изоҳлар
	HR	IR	T					
Очиқ дала олхўрисимон помидорлари								
Лината F1 Linata янги	Lt/Va:0/Vd:0/Fol:0,1	TSWV/TYLCV		Палаги ва илдизи кучли	80-90 гр.	Эртапишар	☄	Мевалари стандарт
Кубва F1 Kubwa янги	Lt/Va:0/Vd:0/Fol:0,1	TYLCV		Палаги ва илдизи кучли	100-120 гр.	Эртапишар	☄	Қайта ишлаш учун мўлжалланган
Морелия F1 Morelia	Va:0/Vd:0/Fol:0,1	TYLCV		Палаги ва илдизи кучли	140-160 гр.	Эртапишар	☄	Иссиқ шароитда бир хил мева беради

HR: High Resistance – Кучли чидамли | IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилиги даражаси белгилловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтдан топишингиз мумкин. ☐ Ойнали иссиқхона | ☐ Плёнкали иссиқхона | ☄ Очиқ дала



БОДРИНГ

Жуда калта 10-12 см ли бодринглар

Хоуплайн F1 | Hopeline

Палаги кучли, эртапишар, узоқ муддат давомида ҳосил бера оладиган мультифрут дурагай. Ҳосил бериши ўсишига нисбатан мутаносиб очиқ типдаги дурагай, бир бўғинда 2-4 мева ҳосил қилади. Меваси чиройли тўқ яшил рангда, ялтироқ ва силлиқ, узунлиги 8-10 см, цилиндрсимон. Мева жуда яхши сақланиш хусусиятига эга. Хоуплайн Ўзбекистон шароитида ёзги-кузги ва баҳорги-ёзги мавсумлар учун экиш тавсия этилади.

Жуда калта 12-14 см ли бодринглар

Пиколино F1 | Picolino

Ўзбек деҳқонларининг талабига мос ва жуда ҳам бозорбоп, серҳосил бўлган дурагай бодринг. Ушбу дурагай бақувват ва ён шохлари ривожланган бўлиб, ҳар бир шодасида 3-4 донадан мева тугади. Пиколино жуда ҳам серҳосил, бир бўғинда бир нечтагача мева тугади. Турли хил оғир шароитларда ўзини яхши кўрсатади. Мевасининг узунлиги 10-12 сантиметргача етади. Меваси цилиндрсимон шаклда, силлиқ, тўқ яшил рангда бўлиб, сифати аъло даражада. Мевасининг эти жуда ҳам текис ва яхши кўринишга эга. Кўп касалликларга чидамли дурагай. Қисқа фурсатда юқори ҳосилдорлик натижаларини намоён қила олади.



Хоуплайн F1



Пиколино F1



Минмакс F1

БОДРИНГ

Мини 17-20 см ли бодринглар

Мелен F1 | Melen

Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун мўлжалланган дурагай бодринг. Селекция ишларининг сўнги ютуқларидан бўлиб, Ўзбекистон иссиқхоналари шароитида тажрибадан ўтган ва яхши натижа кўрсатган дурагайлардан ҳисобланади. Бу дурагай оғир ҳолдаги шароитларда ҳам ўзини яхши кўрсатган. Шу билан биргаликда юқори ҳароратга чидамли, эртапишар, асосан кузги ва баҳорги мавсумларда яхши ўсадиган дурагай. Мевалари бир хил катталиқда, тўқ яшил бўлиб, узунлиги 17-19 см. Ҳосилдорлик даражасининг юқорилиги ва кўпгина касалликларга чидамлилиги билан бошқа дурагайлардан ҳам ажралиб туради.

Минмакс F1 | Minmax

Бу янги дурагай Энза Заденнинг юқори сифатли, мультифрут бодрингларидан биринчиси бўлиб, ҳосилдорлиги юқори, палаги бақувватдир. Мева узунлиги 18-20 см, тўқ яшил рангга эга. Касалликларга чидамли ва ноқулай шароитларда ҳам мева бера олади. Меваларининг бир хил ҳажмда етилиши, бу дурагайни афзалликларидан биридир.

Лами F1 | Lamy

Кучли вегетатив ўсувчи, ҳосилдорлиги юқори бўлган дурагай. Меваси узун 17-20 см. Тўқ яшил. Мева сифати юқори. Ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам ўзини яхши кўрсатади. Мева кўриниши цилиндрсимон, ялтироқ, пўсти қисман қовурғали. Ойнаванд, плёнкали ва субстрат иссиқхоналарда кузги-қишки, қишки-баҳорги мавсумларда экиш тавсия этилади.

Латиф F1 | Latif

Бу Энза Заден компаниясининг бодрингларни сариқ сарғайиш вирусига чидамли бўлган янги бодринг дурагайи. Ҳосилдорлиги юқори, меваси цилиндрсимон, 17-20 см тўқ яшил рангда. Меваси яхши сақланади. Ойнаванд, плёнкали иссиқхоналар учун экиш тавсия этилади.



Лами F1



Латиф F1

БОДРИНГ



Санканто F1



Уруару F1 (E23B.16004)



Тристан F1

Мини 17-20 см ли бодринглар

Санканто F1 | Sancanto

Ойнали ва плёнкали иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган янги, серҳосил, партенокарпик дурагай. Палаги кучли, бўғин оралиғи қисқа, мультифрут, мева узунлиги 18-20 см. Мева шакли цилиндрсимон, бироз қовурғали, ранги тўқ яшил, таъм жиҳатдан бошқа дурагайлардан ажралиб туради. Касалликларга ва ноқулай шароитларга чидамли.

Эфсане F1 | Efsane

Кучли эртапишар дурагай. Меваси узун 16-18 см, қовурғали, тўқ яшил рангда. Мевалари бир маромда пишиб етилади. Сақланиши яхши. Ноқулай шароитларда ҳам мева бериш хусусиятига эга. Қишки-баҳорги мавсумга экиш тавсия этилади. Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун етиштиришга мўлжалланган. Бу янги дурагай ўзининг серҳосиллиги, касалликларга чидамлилиги, шўр ерларда яхши ўса олиши ва ҳосил бера олиши билан бошқа дурагайлардан ажралиб туради.

Уруару F1 | Uruaru (E23B.16004) ЯНГИ

Бу янги дурагай Энза Заден компаниясининг охириги селекциясидан бўлиб, серҳосиллиги ва эртапишарлиги учун танлаб олинган. Меваси цилиндрсимон, узун, 16-18 см, тўқ яшил. Мевасининг пўсти қалин, яхши сақланади. Кенг доирадаги касалликларга чидамли. Ёруғликни кўп талаб қилади. Қишки-баҳорги мавсум учун тавсия этилади.

Ўртача 22-25 см ли бодринглар

Тристан F1 | Tristan

Бутун йил давомида ўстириладиган биринчи мини типдаги бодринг дурагайи. Эрта мавсумда экилганда жуда ҳам яхши натижа кўрсатган. Жуда ҳам эрта ва бақувват генератив ўсувчи ўсимлик бўлиб, палаги кучли ва ҳосилдорлиги юқори дурагай ҳисобланади. Ҳар бир шодасида иккитадан мева тугади. Мевасининг узунлиги 22-25 см гача етади. Некроз ва хлороз касалликларига чидамли дурагай.



Дурагайлар	Чидамлилиги		Ўсимликнинг ўсиши	Мевасининг узунлиги	Етиштириш турлари	Изоҳлар
	HR	IR				
Жуда калта 7-10 см ли бодринглар						
Хоуплайн F1 Hopeline		CMV/CVYV/Px	Бақувват ўсимлик	8-10 см		Мультифрут ва эртапишар
Калта 10-12 см ли бодринглар						
Пиколино F1 Picolino	Csa/Csu	CMV/CVYV/Px	Бақувват ўсимлик	12 см		Меваси кўп, баҳор ва кузги мавсумлар учун
Калта 15-20 см ли бодринглар						
Мелен F1 Melen	Csa/Csu	CMV/CVYV/Px	Ўртача ўсадиган дурагай	17-19 см		Юқори ҳароратга чидамли
Минмакс F1 Minmax	Csu	CMV/CVYV/Px	Бақувват ўсимлик	18-20 см		Ҳосилдорлиги жуда юқори
Лами F1 Lamy	Csu	CMV/CVYV/Px	Бақувват ўсимлик	17-19 см		Ноқулай об-ҳавода ўзини яхши кўрсатади
Латиф F1 Latif	Csu	CMV/CVYV/ZYMV/Px	Кучли ўсади	16-18 см		CYSDVга чидамли, қишки мавсум учун
Санканто F1 Sancanto	Csu	CMV/CVYV/Px	Кучли, очиқ типда ўсади	18-20 см		Мевалари бир хил кўринишда
Эфсане F1 Efsane	Csa/Csu	CMV/CVYV/Px	Бақувват ва серҳосил	16-18 см		Шўр ерларда яхши ўса олади
Уруару F1 Uruaru (E23B.16004) ЯНГИ	Csu	CMV/CVYV/ZYMV/Px	Бақувват ўсимлик	16-18 см		Серҳосил ва эртапишар
Ўртача 22-25 см ли бодринглар						
Тристан F1 Tristan	Csa/Csu	Px	Бақувват ва генератив	22-25 см		Транспортда ташиш учун яроқли

HR: High Resistance – Кучли чидамли | IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилиги даражаси белгиловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтдан топишингиз мумкин. Ойнали иссиқхона | Плёнкали иссиқхона | Очиқ дала

БОДРИНГ



Роналдо F1



Неймар F1



Туми F1

Ўрта чўтир бодринглар

Деря F1 | Derya

Плёнкали ва ойнаванд иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган дурагай. Ўсимлик сезиларли равишда бақувват, бўгин оралиғи қисқа. Мева узунлиги 8-12 см бўлиб, бир хил цилиндрик шаклда, майда чўтир билан қопланган. Меваси тўқ яшил ялтироқ, чиройли кўринишга эга. Юқори ҳосилдорлиги ҳамда мевасининг сифатлилиги билан бошқа дурагайлардан ажралиб туради. Соф ҳолда истеъмол қилиш ва консервация мақсадларида фойдаланиш учун тавсия этилади. Узоқ муддат давомида сақлаш мумкин.

Роналдо F1 | Ronaldo

Эртапишар, кучли вегетатив ўсувчи дурагай. Мева бўгин оралиғи яқин. Ҳосилдорлиги юқори. Ушбу чўтир бодринг мевасининг ранги тўқ яшил, узунлиги 10-12 см, цилиндрсимон. Ҳар бир бўгинда 2-3 тадан мева беради. Сақланиш даражаси юқори. Рональдо ноқулай иқлим шароитларига чидамли. Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналарда ҳамма мавсум учун экиш тавсия этилади.

Неймар F1 | Neymar

Эртапишар, бошланғич ва умумий ҳосилдорлиги юқори бўлган дурагай. Очиқ типда ўсиши, бўгин оралиғи қисқалиги ушбу дурагайни етиштиришда ва ҳосил теришда кам меҳнат сарфига эришишга ёрдам беради. Бир бўгинда 2-4 мева ҳосил қилади. Меваси тўқ яшил, цилиндрсимон, оқ чизиклари йўқ, чўтирлари майда ва кўп. Ҳосил вақтида терилмай қолса ўсиб кетмайди. Мева узунлиги 10-12 см, сақлаш муддати узоқ ва масофаларга ташиш учун қулай. Ўзбекистон шароитида қишки-баҳорги ва ёзги-кузги мавсум учун мўлжалланган.

Очиқ дала чўтир бодринглари

Туми F1 | Tumi

Палаги ва илдиз тизими жуда бақувват бўлган дурагай. Бўгин оралиғи яқин, ихчам ва серҳосил ён шоҳлари кўп ҳосил қилади. Нисбатан совуқ иқлим шароитида яхши ўса олади ва ҳосил тугади. Мева тугиши доимий, бир бўгинда 1-2 мева беради. Меваси тўқ яшил, чўтирлари қаттиқ ва майда. Узунлиги 10-12 см. Ҳосилдорлиги ва мева сифати аъло даражада. Ўзбекистон шароитида қишки-баҳорги ва ёзги-кузги мавсум учун мўлжалланган.

Очиқ дала калта 10-12 см ли бодринглар

Ромилино F1 | Romilino

Кучли, эртапишар, партенокарпик, монофрут дурагай. Бир бўгинда 1-2 та мева беради. Мевасининг шакли цилиндрсимон, ранги чиройли тўқ яшил, узунлиги эса 10-12 см. Барглари катта, тўқ яшил рангда. Касалга чидамли дурагай ҳисобланади. Ойнали ва плёнкали иссиқхоналарга мўлжаллаган бўлиб ҳосилдорлиги юқори, ёзги-кузги ва қишки-баҳорги мавсумда экиш тавсия этилади.



Дурагайлар	Чидамлилиги		Ўсимликнинг ўсиши	Мевасининг узунлиги	Етиштириш турлари	Изоҳлар
	HR	IR				
Калта чўтир бодринглар						
Деря F1 Derya	Ccu	CMV/CVYV/Px	Ўртача бақувват ўсимлик	8-12 см		Мевалари бир хил кўринишда
Роналдо F1 Ronaldo	Ccu	CMV/CVYV/Px	Кучли вегетатив	10-12 см		Ноқулай иқлим шароитига чидамли
Неймар F1 Neymar	Ccu	Px/CMV/CVYV	Ўртача бақувват ўсимлик	10-12 см		Бошланғич ҳосилдорлиги юқори
Очиқ дала чўтир бодринглари						
Туми F1 Tumi	Ccu	CMV/CVYV/Px	Жуда бақувват	10-12 см		Нисбатан совуқ иқлим шароитида яхши ўса олади
Очиқ дала калта 10-12 см ли бодринглари						
Ромилино F1 Romilino	Ccu	CMV/CVYV/Px	Бақувват ўсимлик	10-12 см		Ҳосилдорлиги юқори

HR: High Resistance – Кучли чидамли | IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилиқ даражаси белгиловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтидан топишингиз мумкин. Ойнали иссиқхона | Плёнкали иссиқхона | Очиқ дала



ҚАЛАМПИР

Қизил кубсимон қалампирлар

Прокрафт F1 | Procraft

Ўртапишар, илдиз тизими бақувват, мевалари кубсимон, барг массаси яхши бўлган дурагай. Меваси техник етилганда тўқ яшил рангда, биологик етилганда тўқ қизил, оғирлиги 210 грамм, мева деворининг қалинлиги 5–6 мм. Мевасининг катталиги 6,5 см. 5 камерали 6 қиррали.

Клэйр F1 | Clair

Янги, бақувват, баланд палакли ўсимлик. Барглари йирик, гўштли. Меваси 4 камерали, вазни 110 граммдан зиёд. Техник етилганда тўқ яшил рангда бўлиб биологик етилганда қизил рангга ўтади. Иссиққа чидамли, палаги меваларини қуёшдан яхши ҳимоя қила олади. Ушбу дурагай очиқ далада ўстириш учун тавсия қилинади.

Оқ кубсимон қалампирлар

Ведрана F1 | Vedrana

Дунёда оммавий бўлган, ҳосилдорлиги ва эртапишарлиги билан ажралиб турувчи, стандарт мева туга оладиган, палаги ва илдиз тизими бақувват бўлган кубсимон дурагай. Меваси фил суяги рангидан оч қизил рангга ўтади. Меваси 8-9 см. га 11-12 см., 3 ёки 4 камерали, 6-8 қиррали, деворининг қалинлиги 5-6 мм., чиройли ва ўзгача таъмга эга. Кўчат экилгандан кейин 60-65 кунда пишиб етилади. Ушбу дурагай очиқ далада ва иссиқхоналарда ўстириш учун мўлжалланган.

Ирен F1 | Irene

Эртапишар, серҳосил дурагай. Палаги бақувват, ихчам, илдиз тизими кучли. Барглари яхши ривожланганлиги учун меваларини қуёш нуридан яхши ҳимоялайди. Ноқулай иқлим шароитларига тез ва осон мослаша олади. Мевасининг эти қалин, вазни оғир, стандарт 8x10 см. Мевасининг ранги техник етилганда фил суяги рангидан биологик етилганда оч қизил рангга ўтади. Барча турдаги иссиқхоналарда ва шу билан бирга очиқ далада ҳам ўстириш тавсия этилади.



Прокрафт F1



Ирен F1



ҚАЛАМПИР



Кадия F1



Абай F1



Магно F1

Сариқ кубсимон қалампирлар

Кадия F1 | Cadia

Жуда серхосил ва кучли, очиқ типда ўсувчи дурагай. Мева тугиши аъло даражада, 4 камерали, оғир, эти қалин. Ранги ялтироқ сариқ. Ўсимлик бир текисда мева беради ва мавсум охиригача ҳосилдорлигини бир маромда сақлаб туради. Кўчат экилгандан кейин 70-75 кунда пишади. Иссиқхоналарда етиштириш тавсия этилади.

Милдред F1 | Mildred

Ўртапишар, гуллаши давомий бўлган, палаги ўрта дурагай. Мева кўриниши куб шаклда, оғирлиги 150 граммдан зиёд, 4 камерали, 6 қиррали, эти қалин. Техник етилганда тўқ яшил рангда ва биологик етилганда эса тўқ сариқ ялтироқ рангга ўтади. Очиқ дала ва иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган. Очиқ далада мевасини бир хил стандартлиги ва рангини кўк рангдан тўқ сариқ рангга тез ўтиши билан бошқа дурагайлاردан ажралиб туради.

Абай F1 | Abay

Кубсимон, ўртапишар дурагай. Гуллаши давомий, меваси техник етилганда тўқ яшил рангдан биологик етилганда тўқ сариқ рангга ўтади. Мевасининг вазни техник етилганда ўртача 100 грамм, меваси 4 камерали, 6 қиррали. Очиқ дала ва иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган. Мевасининг сифати аъло даражада ва узоқ сақланади.

Тўқ сариқ (оранжевий) кубсимон қалампирлар

Магно F1 | Magno

Жуда серхосил, эртапишар, палаги бақувват бўлган дурагай. Меваси йирик, тўқ яшил рангдан биологик ҳолатда тўқ сариқ рангга ўтади. Мевасининг сифати аъло даражада. Очиқ дала ва иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган. Баҳорги ва кузги мавсумда яхши натижа беради.

Ламуйо типдаги қалампирлар

Даллас F1 | Dallas

Палаги жуда бақувват, очиқ типда ўсувчи, серхосил дурагай қалампир ҳисобланади. Меваларини юқори ҳароратда ҳам яхши тугади. Меваси юқори сифатли бўлиб, ўз асл товар кўринишини узоқ муддатгача, яъни тўқ яшил рангдан то қизил тусга киргунча сақлай олади. Эти қалин ва ҳосилдорлиги аъло даражада бўлган дурагай. Баҳорги-кузги мавсум учун очиқ далада ишлаб чиқариш заводлари учун ва қишки-баҳорги мавсум учун иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган дурагай.

Атол F1 | Atol

Эртапишар, палаги бақувват, мевасининг ранги тўқ яшилдан тўқ қизилга ўтадиган, мева сифати аъло даражада бўлган 4 камерали, 6 қиррали, эти қалин дурагай. Палаги меваларини кўёшдан сақлай олади. Баҳорги-кузги мавсум учун очиқ далада ишлаб чиқариш заводлари учун мўлжалланган. Иссиқхоналарда ўстириш учун ҳам мўлжалланган.

Долма типдаги қалампирлар

Доврас F1 | Dovras

Ўртапишар, ўрта палакли, долма типдаги дурагай. Меваси техник етилганда оч яшил рангдан биологик етилганда тўқ қизил рангга ўтадиган долма типдаги ширин қалампир. Деворининг қалинлиги 4 мм, мева узунлиги 8-10 см. Мевалари стандарт, бир хилда, палагида узоқ сақлана олади. Очиқ дала ва иссиқхоналар учун мўлжалланган.



Атол F1



Доврас F1



ҚАЛАМПИР

Конус типдаги яшил қалампирлар

Лотта F1 | Lotta

Очиқ типдаги, эртапишар, илдиз системаси ва палаги кучли бўлган дурагай. Барг массаси кўплиги ҳисобига меваларини иссиқдан бемалол сақлай олади. Техник етилганда яшил рангдан биологик ҳолатда оч қизил рангга ўтади. Мева узунлиги 10 см, девор қалинлиги 5 мм. Очиқ далада, дуга остида ва иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган.

Аччиқ қалампирлар

Шакира F1 | Shakira

Жуда ҳам бақувват ва очиқ типда ўсувчи аччиқ қалампир. Турли оғир шароитларда ҳам ўзини яхши тиклаб ўса олади. Меваси ажойиб, бир текисда, палагида узоқ сақлана оладиган, ўзига хос хушбўй ҳидга эга бўлган, техник етилганда тўқ яшил рангдан биологик етилганда тўқ қизил рангга ўтади. Серҳосил ва таъми аччиқ. Очиқ далада ва иссиқхоналарда етиштириш учун тавсия этилади.

Лобна F1 | Lobna

Очиқ дала ва иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган, кайен типдаги аччиқ қалампир дурагайи. Барг массаси меваларини бемалол ёпа олади. Палаги ва илдизи бақувват бўлиб, бўгин оралиғи қисқа. Меваси ялтироқ, ранги тўқ яшилдан қизилга ўтади. Меваси бир хилда стандарт, узунлиги 17-20 см.




















Шакира F1



Лобна F1



Дурагайлар	Чидамлилиги		Ўсимликнинг ўсиши	Мевасининг ранги ва шакли	Мевасининг етилиши	Изоҳлар
	HR	IR				
Қизил кубсимон қалампирлар						
Прокрафт F1 Procraft	Xcv:1-3/PVY:0-1/Tm:0	TSWV:0/TEV	Бақувват ўсимлик		Эртапишар	Йирик баргли бақувват ўсимлик
Клэйр F1 Clair	Xcv:1-3/PVY:0-1/Tm:0	TSWV:0/TEV	Палаги бақувват		Эртапишар	Касалга чидамлилиги юқори
Оқ кубсимон қалампирлар						
Ведрана F1 Vedrana	Tm:0-2		Бақувват, шода оралари ўртача		Эртапишар	Меваси ажойиб, серҳосил
Ирен F1 Irene	Xcv:1-3/Tm:0	TSWV:0	Палаги кучли		Эртапишар	Ноқулай иқлимга тез ва осон мослаша олади
Сариқ кубсимон қалампирлар						
Кадия F1 Cadia	PVY:0/Tm:0-2		Очиқ ҳолда ўсувчи		Эртапишар	Меваси бир хил ялтироқ шаклда
Милдред F1 Mildred	Xcv:1-3/PePMoV/PVY:0-2/Tm:0-2	TSWV:0	Бақувват ва очиқ типда ўсувчи		Ўртапишар	Меваси ажойиб, серҳосил
Абай F1 Abay	Xcv:1-5/Tm:0		Кучли ва бақувват ўсимлик		Ўртапишар	Мевасининг сифати аъло даражада
Тўқ сариқ кубсимон қалампирлар						
Магно F1 Magno	Tm:0-3		Бақувват, очиқ ҳолда ўсувчи		Эртапишар	Меваси йирик ва аъло сифатли
Ламуйо типдаги қалампирлар						
Даллас F1 Dallas	Tm:0		Жуда бақувват		Жуда эртапишар	Меваси бир текисда
Атол F1 Atol	Tm:0		Бақувват ўсимлик		Эртапишар	Ҳосилдор дурагай нав
Долма типдаги қалампирлар						
Доврас F1 Dovras	Tm:0-2	TSWV:0	Бақувват, очиқ ҳолда ўсувчи		Ўртапишар	Мевалари бир хил стандарт
Конус типдаги яшил қалампирлар						
Лотта F1 Lotta	Xcv:1-3/Tm:0-2		Бақувват ва очиқ типдаги ўсимлик		Эртапишар	Кўпгина оғир шароитларда яхши ўса олади
Аччиқ қалампирлар						
Шакира F1 Shakira	Tm:0-2		Очиқ, бақувват		Эртапишар	Жуда аччиқ, меваси яшил рангдан қизил ранггача ўзгаради
Лобна F1 Lobna	Tm:0-2	TSWV	Очиқ, бақувват		Эртапишар	Палаги ва илдизи бақувват. Ранги тўқ яшилдан қизилга ўтади
HR: High Resistance – Кучли чидамли IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилиги даражаси белгилловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтдан топишингиз мумкин.  Ойнали иссиқхона  Плёнкали иссиқхона  Очиқ дала						



ҚОВУН

Оқ уруғ типидаги қовунлар

Торпедо F1 | Torpedo

Маҳаллий ўзбек қовунининг янги дурагайи. Палаги кучли, касалликларга чидамли ва юқори ҳосилдорликка эга дурагай. Ҳар бир палакда 2 тадан мева беради. Меваси оч яшил-сарғиш рангда, чўзинчоқ овал кўринишда, сертур, вазни ўртача 5-6 кг. Мағзи оқ рангда, мазаси жуда ҳам ширин, хушбўй, уруғ камераси ихчам ва бўшлиқсиз. Дурагай плёнка остида ва очиқ далада етиштириш учун мўлжалланган.

Ананас типидаги қовунлар

Бизан F1 | Bisan

Ажойиб маҳсулот кўриниши ва мева сифатига эга бўлган эртапишар дурагай. Палаги кучли ўсимлик. Турли ноқулай об-ҳаво шароитларида мева тугиши аъло даражада. Меваси овал кўринишда, тўқ сариқ-тиллаланг, сертур, шакли ва ҳажми бўйича стандартлиги юқори. Ўртача вазни 3,5-4 кг. Қовун мағзи оқ, хушбўй, сувли ва шакар моддаси юқори. Уруғ камераси кичкина. Дурагай плёнка остида ва очиқ далада ўстириш учун мўлжалланган.

Дакаро F1 | Dakaro

Эртапишарлиги ва юқори мева сифати билан ажралиб турадиган дурагай. Палаги ўртача кучли ўсимлик. Турли ноқулай об-ҳаво шароитларида мева тугиши аъло даражада. Меваси овал кўринишда, тўқ сариқ-тиллаланг, шакли ва ҳажми бўйича стандартлиги юқори. Ўртача вазни 2-3 кг. Қовун мағзи оқ, хушбўй, сувли ва шакар моддаси юқори. Пишиш муддати 45 кун. Дурагай плёнка остида ва очиқ далада ўстириш учун мўлжалланган.



Бизан F1



Дакаро F1



ҚОВУН



Давут бей F1

Тендрал типідаги қовун

Давут бей F1 | Davut Bey

Палаги бақувват, илдиз тизими жуда кучли қовун. Мевасининг вазни 6-7 кг. Овал томчи кўринишда, ранги сариқ, пўсти қалин усти ғижим. Мағзи оқ, хушбўй, ширин. Сақланиши жуда узоқ. Пишиш даври 110-120 кун.

Дурагайлар	Етиштириш турлари		Мевасининг етилиши	Мевасининг шакли	Мевасининг ташқи ранги	Мевасининг ички ранги	HR	IR	Изохлар
	Очиқ дала	ёпиқ дала							
Оқ уруғ типідаги қовун									
Торпедо F1 Торпедо	+	+	Эртапишар	Овал	Оч сарғиш	Оқ	Fom:0,1,2		Шакли ва таъми аъло сифатли
Ананас типідаги қовун									
Бисан F1 Bisan	+	+	Жуда эртапишар	Ясси думалоқ	Сариқ	Оқ	Fom:0,1,2	Rx:1,2,5	Серҳосил
Дакаро F1 Dakaro	+	+	Эртапишар	Овал	Тўқ сариқ	Оқ		Rx:5	Мева тугиши аъло даражада
Тендрал типідаги қовун									
Давут бей F1 Davut bey	+	-	Ўртапишар	Овал	Сариқ	Оқ	Fom:0,1	Rx:1,2,5	Меваси йирик, сақланиши узоқ

HR: High Resistance – Кучли чидамли | IR: Intermediate Resistance – Ўртача чидамли. Навларнинг касалликка чидамлилиги даражаси белгиловчи кодларнинг маънолари учун 90-бетга қаралсин. Шунингдек ушбу маълумотларни www.enzazaden.com сайтдан топишингиз мумкин. Ойнали иссиқхона | Плёнкали иссиқхона | Очиқ дала

ТАРВУЗ

Маристо F1 | Maristo

Палаги жуда бақувват, сербарг ўсимлик. Меваси йирик 13–15 кг (айрим жойларда 25 кг етган), оч ва яшил тусга эга. Тарвуз эти қалин, мағзи тўқ қизил рангга эга, хушбўй ва ширин. Дурагай ҳар бир палақда 2 тадан мева тугади. Пишиш муддати кўчат экилгандан сўнг 60–65 кун.

Тамтам F1 | Tamtam янги

Палаги бақувват, сербарг янги тарвуз дурагайи. Мевасининг ўртача вазни 12–14 кг, оч яшил-оқ тусга эга, шакли чўзинчоқ-овал, тарвуз эти юпқа, мағзи тўқ қизил рангга эга, сувли, хушбўй ва ширин. Дурагай жуда ҳам юқори ҳосилдорлиги учун эътиборга лойиқ. Бир палақда 3-4 та мева тугади. Пишиш муддати кўчат экилгандан сўнг 60 кун.



Тамтам F1 (E26J.0043)



Дурагайлар	Пишиш муддати	Мевасининг вазни	Мевасининг шакли	Мевасининг ички ранги	Изохлар
Маристо F1 Maristo	60-65 кун	13-15 кг	Думалоқ овал	Тўқ қизил	Эртапишар, серҳосил, эрта баҳорда плёнка остига ва такрорий экин учун экишга тавсия қилинади.
Тамтам F1 Tamtam янги	60 кун	12-14 кг	Чўзинчоқ овал	Тўқ қизил	

КАРАМ



Радан F1

Радан F1 | Radan

Эртапишар, ихчам ва думалоқ, карамбоши зич ва яшил рангда, оғирлиги ўртача 1,5-1,8 кг, пишиш муддати экилгандан сўнг 60-65 кун. Мевалари стандарт бир хилда, ўзаги калта, маҳаллий бозор учун мўлжалланган. Фузариоз сўлишга қарши чидамлилиги мавжуд. Иссиқхоналарда, плёнка остида ва очиқ далада эрта баҳорда етиштириш учун тавсия этилади.

Аланек F1 | Alanek

Илдиз тизими кучли ривожланган, барг массаси яхши, пишиш муддати 120-130 кун бўлган янги карам дурагайи. Касалликка ва иссиққа чидамли. Карам бошининг ранги тўқ яшил, оғирлиги 1,5-3 кг. Барглари қалин, карам боши зич, думалоқ, палагида узоқ сақлана олади. Фузариоз сўлиш касаллигига чидамлилиги мавжуд. Маҳаллий бозор ва қайта ишлаш комбинатлари учун мос келади.



Аланек F1

ГУЛКАРАМ

Синерджи F1 | Synergy

Ноқулай иқлим шароитларига мослашувчан, палаги бақувват, юқори ҳосилдорликка эга дурагайи. Карам боши оппоқ, бир текис, қаттиқ, ўртача вазни 1,6-2,0 кг. Барг массаси яхши ривожланганлиги ҳисобига карам бошини куёш нуридан ҳимоялай олади. Карам ўзаги ердан кўтарилиб ўсиши ҳосилни йиғиштириш жараёнини осонлаштиради. Ҳосилнинг стандартлиги жуда юқори. Иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда тахминан 75-80 кунда етилади. Маҳаллий бозор учун етиштириш учун тавсия этилади.

Телерджи F1 | Telergy


Иссиқ иқлимга чидамли, ҳосилдорлиги юқори дурагай. Палаги бақувват, барглари кўкимтир-яшил, қалин ва карамбошини куёш нурларидан жуда яхши сақлай олади. Карамбоши йирик, бир текис, оқ рангда, ўртача вазни 1,8-2,0 кг. Иқлим кескин ўзгаришларига чидамли. Пишиш муддати 75-85 кун. Маҳаллий бозор ва қайта ишлаш учун мўлжалланган. Эрта баҳорда плёнка остида ва очиқ далада етиштириш тавсия этилади.



Синерджи F1



Телерджи F1



ПИЁЗ

Баҳорги пиёзлар

Кассиопея F1 | Cassiopea

Ўзбекистон шароитида яхши натижалар кўрсатган, ҳосилдорлик даражаси юқори ҳамда барг вазни энг яхши кўрсаткичларга эга, барча минтақаларга мослаша олувчи дурагай. Мевасининг вазни 200-220 грамм, таъми ўртача аччиқликда. Пиёз бошининг шакли думалоқ, ўлчами ўртача ва катта ҳажмда 70-110 мм. Пўсти кўп қаватли, ажойиб сарғиш-жигарранг рангда. Сақланиш муддати узок, 7-8 ойни ташкил этади. Сақланиш даврида ҳам ўз сифатини йўқотмайди.

Саманта F1 | Samantha

Эртапишар, ҳосилдорлиги юқори, узок муддат давомида сақлаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган янги дурагай. Пиёз боши йирик, қаттиқ, думалоқ шаклда, қалин ва зич жойлашган сарғиш-жигарранг тусга эга. Уруғ униб чиққандан бошлаб 125-130 кунда пишиб етилади. Механизация ёрдамида йиғиштириб олиш учун тўғри келади. Мевасининг ҳажми диаметрда 80-100 мм.

Кузги-қишки пиёзлар

Шинто F1 | Shinto

Рўзғорбоплиги ва касалга чидамлилиги билан бошқа дурагайлардан ажралиб туради. Маҳсулот стандартлиги жуда юқори. Барг массаси яхши ривожланган, тўқ яшил рангда, бўйи 50 см. Мева оғирлиги 170 – 180 грамм, ҳажми диаметрда 90 – 100 мм, тўқ сарғиш рангда. Сақланиш муддати 2 – 3 ой. Кузги мавсумда экиш учун тавсия этилади.

Луиза F1 | Louisa

Ҳосилдорлиги юқори, эртапишар дурагай. Бақувват илдиз тизими ва ривожланган барг массаси билан ажралиб туради. Совуққа ва гуллашга қарши чидамлилиги юқори. Пиёз бошининг сифати аъло даражада, думалоқ шаклда, ҳажми диаметрда 70–100 мм. Тўни қаттиқ ва зич жойлашган. Пиёз зич экилган ҳолларда ҳам шаклини йўқотмайди ва сифатини сақлаб қолади.



Кассиопея F1



Саманта F1



Шинто F1



ПИЁЗ

Қизил пиёзлар

Монастрел F1 | Monastrell **янги**

Эртапишар, ҳосилдорлиги юқори бўлган сиёҳ ранг пиёз сегментидаги Энза Заден компаниясининг янги дурагайи. Пиёз боши йирик, қаттиқ, думалоқ шаклда, қалин ва зич жойлашган сиёҳ ранг тусга эга. Уруғ униб чиққандан бошлаб 135-140 кунда пишиб етилади. Ҳосилдорлик даражаси юқори ҳамда барг вазни яхши кўрсаткичларга эга, эрта баҳорда кўчат тайёрлаб ёки тўғридан-тўғри экиш учун тавсия этилади.



Монастрел F1 (E61D.10035)

Дурагайлар	Кун узунлиги	Сақланиши	Пиёз боши шакли	Ҳажми (мм)	Изоҳлар
Сариқ пиёз					
Кассиопея F1 Cassiopea	Узун	Узоқ (7-8 ой)	Думалоқ	70-110	Сақланадиган ва экспорт учун
Саманта F1 Samantha	Ўрта	Узоқ (7-8 ой)	Думалоқ	80-100	Сақланадиган ва экспорт учун
Кузги-қишки пиёз					
Шинто F1 Shinto	Ўрта		Думалоқ	90-100	Ички бозор ва экспорт учун
Луиза F1 Louisa	Ўрта		Думалоқ	70-90	Ички бозор ва экспорт учун
Қизил пиёз					
Монастрел F1 Monastrell янги	Ўрта-узун		Думалоқ	60-80	Сақланиш муддати узоқ ва экспортбоп

КАБАЧОК



Ардендо174 F1

Ардендо174 F1 | Ardendo174

Ҳосилдорлиги юқори, эртапишар дурагай. Палаги бақувват, очиқ типда ўсувчи. Цуккини сариқ мозаика вируси (ZYMV) ва бошқа бир қатор касалликларга чидамлилиги бутун мавсум давомида юқори сифатли маҳсулот олиш имконини беради. Мева ранги оч яшил, пўсти ялтироқ, қовурғасиз ва бир текисда. Плёнка остида маҳаллий бозор учун эртаки маҳсулот сифатида етиштириш ёки очиқ далада қайта ишлаш мақсадида экишга тавсия этилади.

Лейла F1 | Leila

Қовоқдошлар турининг цуккини оиласига мансуб серҳосил дурагай. Меваси тўқ яшил, касалликка чидамли. Консервалаш ва қуритиш учун жуда мос келади.

Дуня F1 | Dunja

Цуккини оиласига мансуб очиқ типдаги дурагай бўлиб, узоқ мавсум, очиқ дала ва иссиқхоналарда етиштириш учун тавсия этилади. Мевасининг ранги ялтироқ тўқ яшил, цилиндрик шаклига эга. Ҳосилдорлиги юқори.



Дуня F1

РЕДИСКА

Селеста F1 | Celesta

Эртапишар, ҳосилдорлиги юқори ва ноқулай иқлим шароитларига тез мослаша оладиган дурагай. Меваси стандарт, бир текисда, ялтироқ, оч қизил рангга эга. Мевасининг ичи қордек оппоқ, қўполлашмайди ва бўшлиқ ҳосил қилмайди. Бу редиска ювилганда ва масофаларга ташилганда ялтироқлиги ва рангини узоқ муддат йўқотмаслик хусусиятига эга. Селеста гуллашга ва меваси ёрилишга чидамли. Қишки мавсумда иссиқхоналарда, эрта баҳорда плёнка остида ва очиқ далада етиштириш учун тавсия этилади. Дала шароитида переноспорозга чидамлидир.

Хелена F1 | Helena

Эртапишар ва тез ўсувчи янги редиска дурагайи. Мевасининг сифати аъло даражада. Совуқ иқлим шароитларига чидамли, юқори стандартлик ва бир текисликка эга. Меваси ялтироқ, қизил рангда, ичи эса қордек оппоқ. Қишки мавсумда иссиқхоналарда, эрта баҳорда плёнка остида ва очиқ далада етиштириш учун тавсия этилади.



Селеста F1



Дурагайлар	Мавсуми	Очиқ дала	Ёпиқ дала	Мевасининг тури	Изоҳлар
Селеста F1 Celesta	ҳамма мавсумлар учун	+	+	қизил думалоқ	ажойиб сифатли, думалоқ қизил рангдаги мевага эга
Хелена F1 Helena	ҳамма мавсумлар учун	+	+	Ялтироқ қизил думалоқ	совуқ иқлим шароитларига чидамли



БАҚЛАЖОН

Ярим узун бақлажон

Блек Перл F1 | Black Pearl

Ажойиб сифат ва текис мевали серҳосил дурагай. Ихчам, қўп парвариш талаб қилмайдиган ўсимлик. Мева шодаларини бир текисда тугади. Меваси чўзинчоқ томчи шаклида бўлиб, ялтироқ, тўқ бинафша рангда. Мева ўзаги тикансиз, меваси жуда зич ва меваси узоқ сақланади.

Узун бақлажон

Мабел F1 | Mabel

Очиқ далада етиштиришга мўлжалланган узун мевали янги дурагай. Кўп шохли, йирик баргли, ипга олинмайди. Мева шодаларини бир текисда тугади. Ялтироқ мевасининг узунлиги 24 – 26 см бўлиб, тўқ бинафша рангда. Мева ўзаги тикансиз.

Овал шаклидаги бақлажон

Блек Джем F1 | Black Gem

Палаги ўрта бўйли, ўртапишар ва серҳосил мевали дурагай. Мева шодаларини бир текисда тугади. Меваси ярим думалоқ «кўз ёши» шаклида бўлиб, ялтироқ, тўқ бинафша рангда. Мева ўзаги тикансиз, меваси оғир ва узоқ сақланади. Очиқ далада етиштиришга мўлжалланган. Маҳаллий бозор ва қайта ишлаш учун мўлжалланган.

Барток F1 | Bartok


Барток иссиқхоналар ва плёнка остида етиштириладиган ярим думалоқ «кўз ёши» каби шаклга эга бўлган янги бақлажон дурагайи. Узоқ мавсум давомида етиштириш учун мўлжалланган бўлиб, ушбу даврда юқори ҳосилдорликни кўтара олади, палаги бақувватлигини сақлаб қолади. Дурагай очиқ типда ўсиши осон мева тугишига ёрдам беради ва ҳосилни бемалол териб олиш учун имконият яратади. Меваси оғир ва чиришга чидамли. Юқори ҳосилдорлик ва сифатга эга.

Скарлатти F1 | Scarlatti

Плёнка остида ва очиқ далада етиштиришга мўлжалланган палаги бақувват эртапишар дурагай. Меваларининг шакли ўртача чўзинчоқ бўлиб, бир хил катталиқда ва тўқ бинафша рангда бўлади. Мевалари оғир ва серҳосил. Мева ўзаги тикансиз.



Мабел F1



Блек Джем F1

Дурагайлар	Етилиши	Парваришlash Иситилмайдиган иссиқхона	Пластик тунеллар	Очиқ дала	Ўсимликнинг ҳолати	Узунлиги	Изоҳлар
Ярим узун бақлажон							
Блек Перл F1 Black Pearl	эрта	+	+		ўртача бақувват	ўртача	Ҳосилдорлик даражаси юқори, баҳорги ва ёзги мавсумлар учун
Узун бақлажон							
Мабел F1 Mabel	эрта	+	+	+	ўртача бақувват	ўртача	Мева шодаларини бир текисда тугади
Овал шаклидаги бақлажон							
Блек Джем F1 Black Gem	ўрта	-	+	+	бақувват	калта	Сифати аъло, ҳосилдорлиги юқори
Барток F1 Bartok	эрта	+	+	+	бақувват	ўртача	Узоқ мавсумда етиштиришга мўлжалланган
Скарлатти F1 Scarlatti	эрта	-	+	+	бақувват	чўзинчоқ	Мевалари оғир серҳосил



ОШҚОВОҚ

Сампсон F1 | Sampson

Кучли вегетатив ўсувчан, янги қовоқ дурагайи. Палаги бақувват, 3,5 метрдан ортиқ. Ҳосилдорлиги юқори, ҳар бир тупда 2–4 тагача мева беради. Мевасининг оғирлиги 5–7 кг, оч кулранг рангда. Мева мағзи тўқ сариқ, таъми ширин. Сақланиш муддати 6 ойгача. Касалликка чидамли. Янги ҳолатда истеъмол қилиш ва қайта ишлаш мумкин.

Матильда F1 | Matilda

Ўртапишар, ноқулай иқлим шароитларига мослашувчан янги дурагай. Палаги бақувват ва ҳосилдорлиги юқори. Меваси ўртача йирик, ноксимон шакл ва қалампир-сариқ рангга эга, энгил қовурғали. Уруғ камераси кичик, мағзи тилларанг. Мевасининг ўртача вазни 4–5 кг. Маҳаллий бозор ва қайта ишлаш учун етиштиришга тавсия этилади.



Сампсон F1



Матильда F1


Дурагайлар / Навлар	Тури	Ўсимлик тури	Шакли	Ранги	Ўртача вазни	Изоҳлар
Сампсон F1 Sampson	Кулранг	осилиб ўсувчан	думалоқ	Кулранг	5-7 кг	Ҳосилдорлиги юқори. Қайта ишлаш учун мос келади.
Матилда F1 Matilda	Баттернат	осилиб ўсувчан	Чўзиқ ноксимон	Тўқ сариқ	4-5 кг	Ҳосилдорлиги юқори. Кўп мева тугади. Қайта ишлаш учун мос келади.



САЛАТ



Навлар	Тавсифи	HR	IR
БАРГЛИ САЛАТ ЁКИ БАТАВИЯ			
Гранд Рапидс Перл Джем Grand Rapids Pearl Gem	 Баргли салатнинг машхур нави. Барглари оч яшил, тўлқинсимон шаклда. Қисқа муддатда юмшоқ ярим салатбош шакллантиради. Салат барглари четининг куйишига чидамли.		
Кисми Kismy	Куз, қиш ва баҳорда етиштириш учун мўлжалланган янги эртапишар салат нави. Барглари қаттиқ ва тўлқинсимон кўринишга эга. Ҳарорат паст ва ёритилганлик етишмаган ҳолатларда ҳам ўсиш тезлигини йўқотмайди. Салат барглари четининг куйишига чидамли.	Bl:16-26,28,31,32	
Кайпира Caipira	 Яшил баргли салатнинг баҳор, ёз ва кузда етиштириш учун мўлжалланган ажойиб нави. Маҳсулот юқори якуний сифатга эга. Ўсиш жараёнида қисқа муддат ичида вазн олади ва бўйи чўзилиб кетмайди. Салат барглари четининг куйишига ва ёзда гуллаб кетишига чидамли.	Bl:16-26,28,32/Nr:0	LMV:1
Малис Malice	Ёзда етиштириш учун мўлжалланган оч яшил баргли салат нави. Салат тупи ихчам ва тўлқинсимон кўринишга эга. Салат барглари четининг куйишига ва ёзда гуллаб кетишига чидамли.	Bl:16,18-24,27,28,30-3	LMV:1
Эстони Estony	Салат тупи йирик ва оғир, барглари тўлқинсимон кўринишга эга бўлган салат нави. Салат барглари четининг куйишига ва ёзда гуллаб кетишига чидамли. Маҳсулот якуний сифати юқори. Кеч баҳор, ёз ва эрта кузда етиштириш учун мўлжалланган.	Bl:16-24,27,28,30-32/Nr:0	LMV:1
Фризелла Frizella	Куз, қиш ва баҳорда етиштириш учун мўлжалланган тез ўсувчи баргли салат нави. Салат тупи йирик ва бақувват.	Bl:1-31	LMV:1
Маритима Maritima	Салат тупи тўқ яшил рангли ва йирик баргли салат нави. Куз, қиш ва баҳорда етиштириш учун мўлжалланган тез ўсувчи баргли салат нави.	Bl:16-28,30-32/Nr:0	LMV:1
Бовари Bovary	Куз, қиш ва баҳорда етиштириш учун мўлжалланган янги салат нави. Қисқа муддатда йирик ҳажмли оч яшил барглардан иборат туп ҳосил қилади.	Bl:16-32/Nr:0	LMV:1/ Fol:1

 гидропоникада етиштириш учун ҳам. Гидропоника - бу тупроқсиз, озуқа моддалари эритмасида ўсимлик ўстириш.
 HR: High Resistance – юқори даражада чидамли | IR: Intermediate Resistance – ўрта даражада чидамли. | Чидамлилиқ кодларини 90-бетда кўришингиз мумкин.
 Чидамлилиқ бўйича охириги ўзгаришлар билан www.enzazaden.com сайтида танишингиз мумкин.

САЛАТ



Бацио



Феска



Монари



Аналена



Старикс




Палмир

Навлар	Тавсифи	HR	IR
РИМ САЛАТИ ЁКИ РОМАНО			
Бацио Bacio	Ишончли, йирик салатбошли салат нави. Барглари ялтироқ ва тўқ яшил рангда. Салат барглари четининг куйишига ва гуллаб кетишига чидамли. Маҳсулот якуний сифати жуда юқори, таъми ажойиб. Барча мавсумларда етиштириш учун мўлжалланган.	Bl:16,17,21,23,32	LMV:1/Ss
Корбана Corbana	Тез ўсувчи ва иқлим шароити ўзгаришига мослашувчан салат нави. Иссиқ шароитларда йирик ҳажмли салатбоши шакллантиради. Салат барглари четининг куйишига ва ёзда гуллаб кетишига чидамли.	Bl:16-27,29,32/Nr:0	LMV:1
Ксанаду Xanadu	Тўқ яшил рангли, ўртаси сариқ ўртача салатбоши шакллантиради. Салат барглари четининг куйишига ва ёзда гуллаб кетишига чидамли. Таъми ажойиб, сақланиш муддати узоқ.	Bl:16,21,23,32	LMV:1
ЛОЛЛО БИОНДА САЛАТИ			
Эстрога Estrosa	Салаттупи йирик, бир текисда, барглари оч яшил ва жингалак кўринишга эга. Баҳор, ёз ва кузда етиштириш учун мўлжалланган.	Bl:16,21,23,32	
Монари Monary	Баҳор ва кузда етиштириш учун мўлжалланган янги салат нави. Маҳсулот харидоргир кўринишга эга. Салаттуплари бир текисда.	Bl:16-27,29,32/Nr:0	
HR: High Resistance – юқори даражада чидамли IR: Intermediate Resistance – ўрта даражада чидамли. Чидамлик кодларини 90-бетда кўришингиз мумкин. Чидамлик бўйича охириги ўзгаришлар билан www.enzazaden.com сайтида танишингиз мумкин.			

Навлар	Тавсифи	HR	IR
ЛОЛЛО РОССА САЛАТИ			
Феска Feska	Барглари қизил-олчаранг, тўлқинсимон кўринишга эга. Салат тупи ўзаги яшил рангини сақлаб қолади. Баҳор, ёз ва кузда етиштириш тавсия этилади.	Bl:16-26,28,32/Nr:0	
Туска Tuska	Қизил жингалак ва зич баргли тез ўсувчи салат. Йил давомида ўстириш учун мўлжалланган. Сифатини узоқ муддат сақлай олади.	Bl:16-26,28,32/Nr:0	
БОШИ ЯЛТИРОҚ (ЁҒЛАНСИМОН) САЛАТ			
Аналена Analena	Тез ўсувчи ва мослашувчан, эътиборни жалб қилувчи чиройли яшил баргли нав. Барглари қалинлиги ўртача, салатбоши йирик ва оғир. Баҳор ва кузда ўстириш учун мўлжалланган.	Bl:16-25,27-32/Nr:0	LMV:1
ЭМАН БАРГЛИ ЯШИЛ САЛАТ			
Палмир Palmir	Ялтироқ баргли, юқори харидоргир кўринишга эга бўлган салат нави. Салат барглари четининг куйишига ва гуллаб кетишига чидамли. Ёзда етиштириш учун мўлжалланган.	Bl:16-21,23-26,28-32/Nr:0	LMV:1
ЭМАН БАРГЛИ ҚИЗИЛ САЛАТ			
Кантарикс Cantarix	Салат тупи йирик, тик қоматли, аъло сифатга эга. Гуллаб кетишга чидамли. Йил давомида етиштириш учун мўлжалланган.	Bl:16-26,28,32/Nr:0	
Старикс Starix	Ушбу эман баргли интенсив қизил рангли салатнинг тупи йирик ва оғир. Йил давомида етиштириш учун мўлжалланган.	Bl:16-26,28,32/Nr:0	
HR: High Resistance – юқори даражада чидамли IR: Intermediate Resistance – ўрта даражада чидамли. Чидамлик кодларини 90-бетда кўришингиз мумкин. Чидамлик бўйича охириги ўзгаришлар билан www.enzazaden.com сайтида танишингиз мумкин.			

САЛАТ



Эзмина



Эзабел



Эзра



Навлар	Тавсифи	HR
Eazyleaf САЛАТИ		
Эзабел Ezabel	Оч яшил рангли, жингалак баргли салат. Ноқулай иқлимга мослашувчан, куз, қиш ва эрта баҳор учун мўлжалланган нав.	Bl:16-27,29,32/Nr:0
Эзра Ezra	Интенсив қизил рангли, ялтироқ баргли ва тўлқинсимон кўринишдаги салат. Қишки мавсумда экилганда ҳам ўз рангини сақлаб қолади.	Bl:16-27,29,32
Эзмина Ezmina	Салат баргининг четлари қизил, туп ички қисми яшил рангли. Маҳсулот жуда жозибдор ва манзарали кўринишга эга. Гуллаб кетишга чидамли. Йил давомида етиштириш учун тавсия этилади.	Bl:16-26,28,32/Nr:0

HR: High Resistance – юқори даражада чидамли | IR: Intermediate Resistance – ўрта даражада чидамли. | Чидамлилиқ кодларини 90-бетда кўришингиз мумкин. Чидамлилиқ бўйича охириги ўзгаришлар билан www.enzazaden.com сайтида танишингиз мумкин.

САЛАТ



Саула



Даймонд



Эдуардо

Навлар	Тавсифи	HR
АЙСБЕРГ САЛАТИ		
Ансамбль Ensemble	Эрта баҳорда биринчи экиш учун мўлжалланган тез ўсувчи салат нави. Ушбу нав юқори сифатли юмалоқ салатбоши ҳосил қилади.	Bl:16-27,29,32
Матч (Set) Match	Биринчи экиш учун мўлжалланган эртаги нав. Салатбоши ўртача катталиқга эга.	Bl:16,21,23,32
Аметист Ametist	Йирик ҳажмдаги салатбоши ҳосил қилувчи тез ўсувчи салат нави. Салат барги четининг куйишига чидамли. Эрта баҳорда экиш учун тавсия этилади.	Bl:16-27,29,31,32/Nr:0
Даймонд Diamond	Ноқулай иқлим шароитларига чидамли ва мослашувчан нав. Йирик салатбоши ҳосил қилади. Барг четининг куйиши ва гуллаб кетишга чидамли нав. Кеч баҳорда, ёзнинг бошида ва кузнинг бошида экиш учун мўлжалланган.	Bl:17
Этюд Etude	Бу нав интенсив яшил ранга эга, йирик салатбоши ҳосил қилади. Баҳор ва кузда етиштириш учун мўлжалланган.	Bl:16-27,29,32
Тевин Tevion	Ўзаги узунроқ, ўртача ва йирик катталиқдаги салатбоши ҳосил қилади. Барг четининг куйишига чидамли нав. Баҳор охирида ва ёзнинг бошида экиш учун мўлжалланган.	Bl:16-27,29,31,32/Nr:0
Криэйшн Creation	Баҳорда етиштириш учун мўлжалланган. Салатбоши ўртача катталиқда. Барг четининг куйишига ва гуллаб кетишга чидамли нав.	Bl:16-27,29,31,32/Pb
Дамион Damion	Ишончли ва яхши мослашувчан айсберг салати. Йирик думалоқ, тўқ яшил рангли салатбошга эга. Гуллашга ва барг четининг куйишига чидамли. Баҳор мавсумида экилса, ёзда ҳосилни йиғиштириб олинади. Иқлим шароити ноқулай бўлган ҳудудларда иккинчи экин сифатида, ёз мавсумида экиб кузда ҳосил олса бўлади.	Bl:16-32
Эдуардо Eduardo	Янги узилган ҳолида истъмоқ қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган нав. Салатбоши ўртача катталиқда. Синаш жараёнидаги натижаларига кўра баҳорни ўрталаридан то кузгача экиладиган салатлар орасида Eduardo энг яхши деб топилди. Гуллашга ва барг четининг куйишига чидамли.	Bl:16-32/Nr:0
Оптимист Optimist	Оғир тупроқларда етиштириш учун мўлжалланган нав. Салатбоши ўртача катталиқда. Ёзнинг бошида ва кузнинг бошида экиш учун мўлжалланган.	Bl:16-27,29,32/Nr:0

HR: High Resistance – юқори даражада чидамли | IR: Intermediate Resistance – ўрта даражада чидамли. | Чидамлилиқ кодларини 90-бетда кўришингиз мумкин. Чидамлилиқ бўйича охириги ўзгаришлар билан www.enzazaden.com сайтида танишингиз мумкин.

САЛАТ



ЭНДИВИЙ ФРИЗЕ

Бекеле | Bekele

Ранги тўқ яшил, жингалак, оғир ва ҳажмли гул тупига эга эндивий нави. Енгил совуқлардан осон ўтади ва гуллаб кетмайди. Барглари қалин ва чиройли. Салат тайёрлашда қўшимча сифатида ишлатиш учун жуда мос келади.

Аскарри | Ascari

Гултупининг ҳажми ўртачадан йирикгача, барглари енгил жингалак. Баҳорда эртаги ҳосил олиш мақсадида экиш учун тавсия этилади. Совуқ шароитларда гуллаб кетмайди, баргларининг чет қисми некрозга чидамли. Салат тайёрлашда ажойиб қўшимча бўла олади.

Мирна | Myrna

Баҳорда ва ёзда етиштиришга мўлжалланган, ҳосилдорлиги юқори ва гул тупи кўтарилиб ўсадиган янги эндивий дурагайи. Барглари жуда ҳам жингалак. Ёзда барг четларининг куйишига ва гуллаб кетишига чидамли. Қайта ишлаш учун жуда қулай.



Бекеле



Аскарри



Мирна

Навлар	Тавсифи	HR	IR
АЙСБЕРГ САЛАТИ			
Глендана F1 Glendana	Ранги тўқ яшил, барглари четидан куйишга чидамли, барги қалин, ерга ётиб ўсади, ҳосили стандарт, кеч куз, қиш ва эрта баҳорга экиш тавсия қилинади, мева ичи зич, айсберг оғирлиги 850 гр.	BI:16-32	
Кларист F1 Clarist	Салат боши овал, ичи зич, меваси қаттиқ, тезда тўлишади. Барг массаси кўп, ўзаги калта, мева оғирлиги 850 гр, стандарт. Барг чети куйишига чидамли. Кеч ёз, эрта куз ва баҳор ойларида етиштиришга мўлжалланган.	BI:16-32/Nr:0/Pb	
Миллион Million	Баҳор охирида, ёзнинг бошида ва кузда етиштириш учун мўлжалланган нав. Барг четининг куйишига чидамли нав.	BI:16-27,29,32	
Экспрешн Expression	Ноқулай иқлим шароитларига мослашувчан ва стрессларга чидамли янги нав. Барча мавсумларда етиштириш учун тавсия этилади. Саноат миқёсида қайта ишлаш учун жуда мос.	BI:16-27,29,31,32	
Саула Saula	Ёзда етиштириш учун мўлжалланган нав. Секин ўсади, лекин йирик салатбоши ҳосил қилади. Барг четининг куйишига ва гуллаб кетишига чидамли нав.	BI:16,21,23,32	Fol:1
Папиро Papiro	Ноқулай иқлим шароитларига мослашувчан нав. Йирик салатбоши ҳосил қилади.	BI:16,21,23,32	

HR: High Resistance – юқори даражада чидамли | IR: Intermediate Resistance – ўрта даражада чидамли. | Чидамлилиқ кодларини 90-бетда кўришингиз мумкин. Чидамлилиқ бўйича охириги ўзгаришлар билан www.enzazaden.com сайтида танишингиз мумкин.

ИСМАЛОҚ



Корвер F1



Яби F1



Ранчери F1

Дурагай	Тавсифи	HR
Корвер F1 Corvaire	Ўртапишар, ноқулай иқлим шароитларига мослашувчан, баҳор, ёз ва кузда етиштириш учун мўлжалланган дурагай. Тез ўсади ва ҳосилдорлиги юқори. Вертикал ўсувчи, қаттиқ, овал шаклидаги ва тўқ-яшил рангдаги баргга эга. Гуллаб кетишга чидамли.	Pfs:1-11,13,15,16
Яби F1 Yabi	Ҳосилдорлиги юқори ва турли етиштириш шароитларига энгил мослашувчан дурагай нав. Тўқ яшил рангли ва овал шаклдаги барглари аъло сифатга эга. Баҳор, ёз ва кузда етиштириш учун мўлжалланган.	Pfs:1-10,15
Ранчери F1 Rancho	Баҳор ва кузда етиштириш учун мўлжалланган эртапишар дурагай нав. Барглари яшил, қаттиқ, силлиқ ва думалоқ шаклда. Баргнинг вертикал ўсиши ҳосил йиғим-теримини осонлаштиради. Барглarning ўсиши бир текисда. Қадоқда узоқ муддат янги узилган дексифатини сақлаб туради.	Pfs:1-11,13,15,16

- гидропоникада етиштириш учун ҳам. HR: High Resistance – юқори даражада чидамли | IR: Intermediate Resistance – ўрта даражада чидамли. | Чидамлик кодларини 90-бетда кўришингиз мумкин. Чидамлик бўйича охириги ўзгаришлар билан www.enzazaden.com сайтида танишингиз мумкин.

РАДИЧЧИ

Джиове F1 | Giove

Треviso нави типидagi янги радиччи дурагайи. Радиччи барг томирлари оқ, барглари тўқ қизил рангли йирик ва зич чўзинчоқ шаклдаги қаттиқ бошга эга. Радиччи боши узунлиги 22-23 см. Тезда етилади ва тўлишади. Маҳсулот якуний сифати юқори даражада. Совуқ об-ҳаво шароитида гуллаб кетишга чидамли. Баҳор ва кузда етиштириш учун мўлжалланган. Турли хил салатлар таёрлашда ажойиб қўшимча бўла олади.



Джиове F1

ИЛДИЗМЕВАЛИ СЕЛЬДЕР

Ибис | Ibis

Эртапишар ва йиғиштиришга қулай нав. Илдизмевалари йирик ва силлиқ. Маҳаллий бозорда сотиш ва қайта ишлаш мақсадида етиштириш учун тавсия этилади. Барглarning оқ доғланишига (септориоз) чидамли.



Ибис

Голиаф | Goliath

Ҳосилдорлиги юқори нав. Думалоқ шаклдаги, қаттиқ бўлган илдизмеваларининг ички қисми оқ рангда. Маҳаллий бозорда сотиш ва қайта ишлаш мақсадида етиштириш учун тавсия этилади. Барглarning оқ доғланишига (септориоз) чидамли.

БАРГЛИ СЕЛЬДЕР

Сиенна F1 | Sienna

Тез ўсувчи ҳосилдорлиги юқори янги дурагай. Барг асоси узун ва гўштли, барглари вертикал ўсувчи. Сельдерларнинг ўсиши бир текисда. Ёз ва кузда етиштириш учун мўлжалланган.



Сиенна F1

КОРН САЛАТ



Фавор



Юваллон



Акцент

Нав	Тавсифи
Фавор Favor	Ноқулай иқлим шароитларига мослашувчан ва йиғим-терими қулай бўлган барча мавсумларда етиштириш учун мўлжалланган нав. Барг асоси қисқа бўлган, овал кўринишдаги ялтироқ баргли салат. Салатларнинг бир текисда ўсиши юқори даражада.
Юваллон Juwallon	Эртапишар нав. Юқори сифатли, овал кўринишдаги ялтироқ баргли салат. Баҳор ва кузда етиштириш учун мўлжалланган.
Акцент Accent	Баҳор ва кузда етиштириш учун мўлжалланган, барглари тикка ўсувчи нав. Жуда тез ўсади, барг асоси қисқа, барги қалин ва думалоқ кўринишда.

ПОРЕЙ ПИЁЗИ



Дурагай	Веgetация даври	Тавсифи
Чинук F1 Chinook	90-100 кун	Ҳосилдорлиги юқори бўлган ёз мавсумида етиштириладиган эртапишар дурагай. Пишиш муддати 90-100 кун. Янги узилган ҳолида истеъмол қилиш учун мўлжалланган. Иқлими мўтадил бўлган ҳудудларда тез ўсади. Гуллаб кетишга чидамли. Ўсимлик ўсиши бир текисда.
Такрима F1 Takrima	95-105 кун	Ёзда ва кеч кузда очиқ далада етиштириш учун мўлжалланган сарҳосил ўртапишар дурагай. Палагининг оқ қисми узун бўлиб, қайта ишлаш ва қадоқлаш учун жуда яхши мос келади. Уруғдан ёки кўчатдан орасини 10 см қилиб экилади.
Чероки F1 Cherokee	95-105 кун	Ёзги мавсумда етиштириш учун мўлжалланган тўқ рангли дурагай. Ҳосилдорлиги юқори, пиёз пўстининг тозаланиши жуда осон. Пиёз палагининг оқ қисми узун. Гуллаб кетишга чидамли.
Юлита F1 Julita	100-115 кун	Ёзда етиштириш учун мўлжалланган, ҳосилдорлиги юқори дурагай. Гуллаб кетишга чидамли. Ўсимлик ўсиши бир текисда. Пиёз пўстининг тозаланиши жуда осон.
Джевария F1 Gevaria	120-125 кун	Кеч ёзда ва кузда етиштириш учун мўлжалланган, ҳосилдорлиги юқори ва ишончли дурагай. Пиёз палагининг оқ қисми узун. Қайта ишлаш ва музлатиш учун тавсия этилади.

ФЕНХЕЛЬ



Дурагай	Тавсифи
Прелюдио F1 Preludio	Баҳорда, ёзнинг бошида ва кузда экиш учун мўлжалланган фенхельнинг эртаги дурагайи. Кўчат ерга экилган кундан бошлаб 65-75 кунда пишиб етилади. Ерга тўғридан-тўғри экса ҳам бўлади. Бўшлиқ ҳосил қилмай барглари вертикал ўсувчи ихчам ўсимлик. Поямевалари оғир, оппоқ ва силлиқ, якуний сифати юқори даражада. Ўсимлик ўсиши бир текисда ва маҳсулот стандартлиги аъло даражада.
Капричио F1 Capriccio янги	Ёз ва кузда етиштириш учун мўлжалланган янги дурагай. Ерга тўғридан-тўғри экилган кундан бошлаб пишиш муддати 100-110 кун. Об-ҳаво кескин исиб-совуб кетган ноқулай шароитларга мослашувчан. Поямеваси ўртача катталиқда, барг қисми тўқ яшил рангда. Барг ички қисмида бўшлиқлар йўқ. Узоқ муддат далада сақланиб туради ва ёрилиб кетмайди. Церкопорозга чидамли.

КОЛЬРАБИ




Дурагай	Тавсифи
Опус F1 Opus	Шакли ярим думалоқ рангдаги поямевали мослашувчан ва эртапишар дурагай. Маҳсулот якуний сифати юқори даражада. Баҳорда етиштириш учун мўлжалланган.
Оазис F1 Oasis	Ранги оқ, ўсиши бир текисда бўлган чиройли поямевали дурагай. Барги йирик, қаттиқ ва вертикал ўсувчи. Баҳорда ва кузда етиштириш учун мўлжалланган.
Октаве F1 Octave	Ярим думалоқ шаклдаги, оқ ва силлиқ поямевага эга дурагай. Барги кенг ва тўқ яшил рангда. Иссиқ об-ҳаво шароитига чидамли. Ёз бошидан куз бошигача экиш учун тавсия этилади.



КЎКАТЛАР



Италия гиганти



Голдкрон



Элла

Нав	Ўриш учун	Қайта ишлаш учун	Тувакда етиштириш учун	Изоҳлар
ПЕТРУШКА				
Италия гиганти Gigante d'Italia	+	+	+	Петрушканинг силлиқ баргли юқори ҳосилдорликка эга бўлган машҳур нави. Барги йирик, тўқ-яшил рангда. Жуда тез ўсади. Кучли ва хушбўй ҳидга эга.
Мосс Керлд 2 Moss Curled 2	+	+	+	Петрушканинг барглари жингалак нави. Ихчам, вертикал ўсувчи ўсимлик. Маҳсулот сифати юқори.
УКРОП				
Голдкрон Goldkron	+	+	+	Ҳосилдорлиги юқори бўлган, ноқулай шароитларга мослашувчан, ҳавонинг иссиқлик даражаси юқори бўлганда ҳам гуллашга мойиллиги паст бўлган тетраплоид нав. Барглари майда, тўқ яшил рангда, ўзига хос ялтироқ ва ёйсимон тусда.
Грин Сливз Green Sleeves	+	+	+	Барглари тўқ яшил рангли, ўта ишончли, гуллашга мойиллиги паст бўлган, йилнинг ҳамма фаслларида мос келадиган нав. Шу туркумга кирувчи навлардан барг массасини кўплиги билан.
Элла Ella			+	Янги тўқ яшил рангли, уй тувакларида ўстириш учун мослашган нав. Палаги жуда ихчам ва бозорбоп, бўғин ораси калта, тез ўсувчи, йилнинг ҳамма фасли учун мос келади.

КЎКАТЛАР



Рози



Мариан



Эмили



Селтоп F1



Марино



Триция

Нав	Ўриш учун	Қайта ишлаш учун	Тувакда етиштириш учун	Изоҳлар
РАЙХОН				
Рози Rosie	+	+	+	Барглари ва пояси сиёҳ рангли, жуда ихчам, пояси бақувват ва тик ўсувчи райхон дурагайи. Қишки даврда гул туваклариди ўстирилганда рангининг жадаллиги ва бирхиллигини йўқотмайди. Тез ўсиши ва бетакрор хушбўйлиги билан бошқа дурагайлардан ажралиб туради.
Мариан Marian	+	+	+	Баргларининг ҳажми ўртача тўқ яшил рангли райхон. Барг четининг куйишига чидамли. Паст хароратларга чидамлилиги ноқулай шароитларда транспорт воситаларида ташилганида ўз сифатини сақлаб қолиш имкониятини беради.
Эдвина Edwina	+	+	+	Йил давомида етиштириш учун мўлжалланган ишончли тез ўсувчи нав. Ёритилганлик даражаси паст бўлган шароитларда ўстирилганда ҳам аъло натижалар беради. Ўсиш тезлигининг бир хиллиги билан ажралиб туради.
Эмили Emily			+	Бўғин ораллиги қисқа, палаги ихчам нав. Барглари тўқ яшил, бўртиб чиққан, озгина узунчоқ, ўткир хушбўй хидга эга. Қишки кунларда кўшимча чироқлар билан сунъий ёритилганда яхши натижаларга эришилади. Узоқ муддат ўз хусусиятини йўқотмай сақланади. Йилнинг ҳамма фаслларида ўстириш мумкин.
Лемона Lemona	+	+	+	Ажралиб турувчи лимон таъмига эга бўлган райхон дурагайи. Барглари юпқа, силлиқ, овал шаклда. Ўсиш тезлиги жуда юқори.

Нав	Ўриш учун	Қайта ишлаш учун	Тувакда етиштириш учун	Изоҳлар
БАРГЛИ СЕЛЬДЕР				
Селтоп F1 Celpop	+	+	+	Барглари йирик, тўқ яшил рангли серҳосил ва стресс ҳолатларга ўта чидамли гибрид. Товар маҳсулотининг юқорилиги билан ажралиб туради.
Селбанч F1 Celbunch	+	+	+	Бу нав ўзининг бир турлилиги билан бошқа дурагайлардан ажралиб туради. Барглари ўрта ўлчовда бўлиб, тўқ яшил рангли.
КАШНИЧ				
Марино Marino	+	+	+	Барглари йирик, барг атрофи майда қирқилган кўринишдаги кашнич нави. Ноқулай шароитларда гуллашга мойиллиги ўртача. Ҳавонинг юқори хароратларида экиш учун мослаштирилган.
ЁВВОЙИ РУКОЛА				
Грация Grazia	+	+	+	Жуда ихчам ва бир хил ривожланувчи ўсимлик. Тўқ яшил рангли баргининг атрофи майда қирқилган кўринишда, пояси ингичка. Харидоргир кўринишга эга. Гуллашга анча чидамли, йилнинг ҳамма фаслларида ўстириш мумкин.
Триция Tricia	+	+	+	Янги, тез ҳосилга кирувчи, барглари ўзига хос чиройли ва бир хил кўринишга эга. Барглари йирик, дала шароитида пероноспороозга нисбий чидамийлилиги бор. Йилнинг ҳамма фаслларида етиштириш учун тавсия қилинади.
САЛАТЛИ РУКОЛА				
Рукола колтивата Rucola coltivata	+	+	+	Барглари овал шаклда, ҳосилдорлиги юқори бўлган, тез ўсувчи нав.

АГРОТЕХНИК ТАВСИЯЛАР

ИССИҚХОНА ВА ПЛЁНКА ОСТИДА ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат уч хил усул билан тайёрланади:

1. Уруғни тувакчаларга экиш усули;
2. Уруғни махсус тайёрланган жойга шаблон билан экиш усули;
3. Кўчириб экиш усули;

Кўчат экиш даври 3 мавсумга бўлинади:

1. Кузги-қишки мавсум;
2. Қишки-баҳорги мавсум;
3. Ёзги-кузги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 25 000 - 30 000 та уруғ олинади. Кўчат етиштириш учун парник чириндиси, яхши чириган компост ва унумдор дала тупроғи тайёрланади. Ушбу аралашма буғлаш ёрдамида дезинфекция қилиниши керак. Агар буғланмаса помидор уруғлари бактериал ракка қарши дориланиши керак. Уруғларнинг оралиғи 5-8 см, чуқурлиги 0,5-0,8 см ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Кузги-қишки мавсум: сентябрь – октябрь;
2. Қишки-баҳорги мавсум: ноябрь–декабрь;
3. Ёзги-кузги мавсум: июнь–июль;

Ёзги-кузги ва кузги-қишки мавсум учун уруғни тувакчаларга ва махсус тайёрланган жойга шаблон билан экиш усуллари, қишки-баҳорги мавсум учун эса уруғни тувакчаларга, махсус тайёрланган жойга шаблон билан экиш ва кўчириб экиш усуллари тўғри келади.

Тупроқ: Кўчат етиштиришда тупроқни тахминан 10-12 см қалинликда солиш тавсия этилади. Тупроқнинг ҳарорати кўчат тайёрланаётганда 15-20°C, кўчат экилганда эса камида 17°C бўлиши лозим. Тупроқнинг намлиги кўчат ўтқазиш ва ундан кейинги кунлар мобайнида 80-90%, гуллаш даврида 75-85%, терим олди даврида 80%, йиғим-терим пайтида 75-85% бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тупроқнинг ҳаво ва сув синдирувчанлигини яхшилаш учун унга 10-15% қум кўшиш даркор.

Ҳарорат: Кўчат етиштириш учун иссиқхонанинг кундузги ҳарорати 22-24°C, кечки ҳарорати эса 16-18°C бўлиши лозим. Кўчат экилгандан сўнг иссиқхонанинг кундузги ҳарорати кузги-қишки мавсумда 20-22°C, ёзги-кузги ва қишки-баҳорги мавсумда 20-25°C, кечки ҳарорати эса барча мавсумда 16-18°C бўлиши тавсия этилади. Иссиқхона учун оптимал нисбий намлик 65-75%, гуллаш бошлангунга қадар 70-75%, гуллаш бошланиши билан 65% га пасайтирилгани маъқул.

Суғориш ва ўғитлаш: Кўчатни ҳар 5-6 кунда 1 марта, экилгандан сўнг нисбий намликка қараб суғориш талаб этилади. Сувнинг ҳарорати тахминан 15-16°C да бўлиши лозим. Етилган кўчатларни иссиқхонага экишдан олдин экиладиган майдон яхшилаб чопилиб, 80-90°C да буғлаш ва пестицид билан ишлов бериш яхши натижа беради.

Кўчат экишда тупроқ анализини билиш муҳим аҳамиятга эга. Анализ натижаларига кўра тупроққа қанча миқдорда азот (N), фосфор (P), калий (K) бериш кераклигини аниқланади. 1 га ер учун 250-300 кг азот, 250 кг фосфор, 150-250 кг калий солиш тавсия қилинади. Кўчат ёшлик даврида кальций (Ca), бор (B), магний (Mg) ли ўғитлар бериш яхши натижа беради.


Помидорни бутун вегитация давомида 4-8 марта суғориш тавсия этилади. Ҳар бир суғоришдан кейин ўсимликни ёшлик пайтидан мева пишгунига қадар пушталарини юмшатиб туриш талаб этилади. Суғориш ишларини олиб борганда нисбий намлик 70% дан ошмаслиги лозим.

Суғориш билан бир қаторда ўсимликка тўғри шакл бериш муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликка шакл берганда барг кесилган жойларини фунгицид дорилар билан эмлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иссиқхонада ҳаво айланишини тўғри йўлга қўйиш керак. Озуқа берганда тупроқдаги рН (тупроқнинг ишқорийлиги) кўрсаткичи 6-6,5 га тенг бўлгани маъқул. ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 1,5-2 ms ни ташкил қилиш керак. Ўсимлик гуллагандан бошлаб то пишгунга қадар сунъий усулда ва арилар ёрдамида чанглатилади. Ўсимлик касалланмаслиги учун ХОМ, Хамицин, Превикур фунгицидларини қўллаш мумкин.

Экин экиш: Кузги-қишки мавсум учун 40-45 кунлик, ёзги-кузгига 25-30 кунлик, қишки-баҳоргига 35-40 кунлик кўчат экилади (кўчатлар 5-6 тадан чинбарг чиқарган пайтда). Ҳар бир кўчат оралиғи 40-50 см бўлиши тавсия этилади. Кўчат нам илиқ иссиқхоналарга ўтқазилади.

Экин экиш чизмаси: 50 x 60 x 80



ОЧИҚ ДАЛАДА ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат уч хил йўл билан тайёрланади:

1. Уруғни тувакчаларга экиш усули;
2. Уруғни махсус тайёрланган жойга шаблон билан экиш усули;
3. Кўчириб экиш усули;

Кўчат экиш даври 2 мавсумга бўлинади:

1. Эрта баҳорги мавсум;
2. Баҳорги-ёзги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 30 000 - 35 000 та уруғ олинади. Уруғлар 0,5-0,8 см чуқурликда экилгани маъқул. Ҳар бир мавсумда помидор уруғидан кўчат етиштирилиб, сўнгра ерга экилади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Эрта баҳорги мавсум: февраль - март
2. Баҳорги-ёзги мавсум: апрель

Тупроқ: Помидор ўсимлиги бўз, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларга экилади. Сизот сувлари юза жойлашган, шўрланган ва кислотали (нордон) тупроқлар помидор учун унчалик ярамайди. Экиш даврида тупроқнинг намлиги 80-90%, ҳарорати эса 18°C бўлиши тавсия этилади. рН (тупроқнинг ишқорийлиги) кўрсаткичи 6-6,5 бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 1,5-2 ms ни ташкил қилиш керак.

Ҳарорат ва нисбий намлик: Помидор ўсиб ривожланиши учун ҳаво ҳарорати 25-28°C бўлгани маъқул. 35°C дан юқори ҳарорат помидор кўчатларига зарарли таъсир этади, экинлар ингичкалашиб кучсизланади, касалликка тез чалинадиган бўлиб нобуд бўлади. 10°C дан паст бўлса кўп хил навларнинг гуллаши тўхтаб қолади. Совуқ ҳаводан сақлаш учун экинлар плёнка билан қопланади. У экинни совуқдан сақлаб қолиш билан бирга жадалроқ ривожланишини таъминлайди. Плёнкани экин чангланиши вақтида олиб ташлаш керак. Нисбий намлик 65-70% ни ташкил этиши лозим.

Суғориш ва ўғитлаш: Помидор кўчати мева қилгунига қадар ҳар 8-12 кунда, мева қилаётган ва мевалари етилаётган даврда ҳар 5-7 кунда суғорилади.

1 га ерга 250-300 кг азот (N), 250 кг фосфор (P), 150-250 кг калий (K) солиш тавсия қилинади. Кўчат ёшлик даврида кальций (Ca), бор (B), магний (Mg) ли ўғитлар бериш керак.


Азот (N) моддаси ўсимлик баргларининг ривожланиши ва янги барглар чиқиши учун муҳим аҳамиятга эга. Тупроқда азот моддаси етишмаса поялар ва баргларнинг ўсиб ривожланиши сусаяди, бу эса ҳосилнинг кескин камайишига олиб келади. Аммо азот ҳаддан ташқари кўп бўлса меваларнинг етилиши кечикади, ўсимликнинг касалликларга ва паст ҳароратга чидамлилиги пасаяди, шунингдек мевасидаги қуруқ моддалар ҳамда шакар миқдори камаяди.

Фосфор (P) моддаси меваларнинг тез етилишига ёрдам беради ва улардаги шакар миқдорини оширади. Агар ушбу модда етишмаса, помидор танаси ва барглари сиёҳ ранг тусга киради. Ўсимлик ўсиши секинлашиб гуллашдан тўхтаб қолади.

Калий (K) ли ўғитлар помидор меваларидаги қуруқ модда миқдорининг ортишига ва унинг яхши сақланишига ёрдам беради. Шу билан бирга ўсимликларнинг гуллаш ва мева қилиш пайтида тўқималарни мустаҳкамлайди. Калий моддаси етишмаса, помидор палаги оч тусга кириб сарғая бошлайди. Ўсимлик меваси етилиб пишиши секинлашади ва мевасида ҳар хил яшил доғлар пайдо бўлади.

Экин экиш: Эрта баҳорги мавсумда 35-40 кунлик, баҳорги-ёзги мавсумда 25-30 кунлик кўчат экилади (кўчатлар 5-6 тадан чинбарг чиқарган пайтда). Помидор кўчатлари экиш олдидан суғорилган ерларга экилади.

Экин экиш чизмаси: 40 x 70 x 120-140



ИССИҚХОНА ВА ПЛЁНКА ОСТИДА БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда бодринг кўчати уруғни тувакчаларга экиш усули билан тайёрланади.

Кўчат экиш даври 4 мавсумга бўлинади:

1. Ёзги-кузги мавсум;
2. Кузги-қишки мавсум;
3. Қишки-баҳорги мавсум;
4. Баҳорги-ёзги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 28 000 – 30 000 уруғ олинади. Уруғларнинг оралиғи 10-15 см, чуқурлиги 0,5-0,8 см ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Ёзги-кузги мавсум: август
2. Кузги-қишки мавсум: сентябрь
3. Қишки-баҳорги мавсум: январь
4. Баҳорги-ёзги мавсум: май

Ёзги-кузги ва баҳорги-ёзги мавсум учун уруғни бевосита ерга экиш усулидан, кузги-қишки ва қишки-баҳорги мавсум учун кўчат қилиш усулидан фойдаланилади.

Тупроқ: Иссиқхона тупроғига 25 см қалинликда чим тупроқ аралаштирилган (1:1 нисбатда) чиринди солинади. Бодринг етиштириш учун иссиқ, таркиби 4-8% органик озуқага эга бўлган тупроқ талаб этилади. Тупроқдаги рН (тупроқнинг ишқорийлиги) кўрсаткичи 6-6,5 атрофида бўлиши тавсия этилади. ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 2 ms ни ташкил қилиш керак. Тупроқ таркибида етарлича кислота етишмаслиги натижасида ўсимликларда магний (Mg) танқислиги кузатилади. Кўчатлар кўчириб экилганда тупроқ ҳарорати 16°C дан паст бўлмаслиги лозим. Тупроқнинг ҳарорати 12°C бўлганда ўсимлик ўсиши секинлашади. Бутун вегетация даврида тупроқ ҳарорати кечаси 18°C, кундузи 22°C бўлиши тавсия этилади. Ҳароратнинг ушбу кўрсаткичдан паст бўлиши ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Тупроқнинг намлиги 70-80% бўлгани маъқул. Агар намлик 70% дан тушиб кетса бодринг аччиқ бўлади.

Ҳарорат ва нисбий намлик: Кўчатни иссиқхонага экилаётганда ҳарорат кундузи ва кечқурун 22-23°C бўлиши лозим. 2 ёки 3 кундан сўнг кундузги ҳарорат 23-25°C, кечаси - 20°C бўлгани маъқул. Бодринг кўчатининг бўйи 50 см дан ошгандан сўнг кундузги ҳарорат 21-22°C, кечаси ҳарорат 17-18°C бўлиши мумкин. Иссиқхонада умумий нисбий намлик 75-80% бўлиши мақсадга мувофиқдир. Намликнинг 90-100% гача кўтарилиши бодринг учун зарарли ҳисобланади. Бунинг оқибатида турли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Суғориш ва ўғитлаш: Бодринг мевасининг 95% ни сув ташкил қилади. Шунинг учун бодринг сувни кўп талаб қиладиган ўсимлик ҳисобланади. Ҳар 3-4 кун оралиғида 1м² учун 8-10 л сув керак бўлади. Суғориш учун фойдаланиладиган сувнинг ҳарорати 20-22 °C бўлиши керак. Ўсимликлар ўсиш даври давомида 2-3 маротаба суғоришдан сўнг қатор ораларини 15-16 см чуқурликда юмшатиб чиқиш ва палакларини 2-3 маротаба ростлаб қўйиш, атрофидаги бегона ўтлардан тозалаш керак. Бодринг пояларининг 4-бўғинига қадар мевалари олиб ташланади. Ҳар ҳафтада 1 маротаба касаллик тушмаслик учун бодринг палаги фунгицид билан дориланади.

Кўчат экилгандан сўнг мева бергунга қадар 5 г азот (N) ли ўғитлар 10 л сувга эритилиб 10 кун давомида 1-2 маротаба берилади. Мева бериш пайтида 10-12 г 7 кун мобайнида 2-3 маротаба, тўлиқ мева бериш даврида эса 10-15 г 5 кун мобайнида 2-3 маротаба бериш тавсия этилади. Азот (N) ли ўғитларни кўп бериш бодринг сифатига ва чидамлигига салбий таъсир қилади.

Фосфор (P) ли ўғитлар кўчат ёшлик даврида 2-3 г 10 л сувга 10 кун оралиғида 2-3 маротаба, мева бериш даврида 4-5 г 10 л сувга 7 кун оралиғида бир маротаба, тўлиқ мева бериш даврида 3-4 г 10 л сувга 5 кун оралиғида бир маротаба бериш тавсия этилади.

Калий (K) ли ўғитлар кўчат ёшлик даврида 8-10 г 10 л сувга 10 кун оралиғида 2 маротаба, мева бериш даврида 8-10 г 10 л сувга 7 кун оралиғида бир маротаба, тўлиқ мева бериш даврида 15-20 г 10 л сувга 3-5 кун оралиғида бир маротаба берилган маъқул.

Булардан ташқари кальций (Ca), магний (Mg) ва микро элементлар ҳам бериш керак. Кальций (Ca) ва магний (Mg) элементларини ёшлик даврида бериш яхши натижа беради. Бодринг учун озуқалар илдизи орқали берилиши керак. Баргидан озуқа берилганда эҳтиёт бўлиш керак, чунки баргидан озуқа бериш баргларни касал бўлишига сабаб бўлиши мумкин.


Бутун вегетация даврида бодринг кўчати ҳосилга киргандан бошлаб азот (N) нисбати калий (K) ва фосфор (P) озуқаларига нисбатан 1:2 нисбатда ошириб борилади. Чунки бодринг бошқа экинларга нисбатан азот (N) га кўп талабчан.

Экин экиш: Кузги-қишки мавсум учун 15-20 кунлик, қишки-баҳорги мавсум учун 20-25 кунлик кўчат экилади. Ниҳоллар 3-4 та чин барг чиқарган пайтида иссиқхонага ўтқазилади. Тайёр иссиқхона кўчат учлари жануб ва шимол томонга ётқизиbroқ 2 қатор қилиб, шахмат тартибида ўтқазилади. Кўчат ўтқазилгандан 8-10 кун ўтгач тупроқ салгина юмшатиб қўйилади.

Ўсимликларни димлаш иссиқхонада бодринг ўстиришнинг самарали усули бўлиб, бу тадбир кўчатларнинг дастлабки ўсиш даврида 2 марта ўтказилади (баҳорда 1-2 соатга, ёзда 30-40 минутга форточкалар ёпиб қўйилади; ҳаво ҳарорати 30°C дан ошмаслиги керак; сўнг аста-секинлик билан форточкалар очилади).

Бодринг кўчати учун иссиқхона баланд бўлиши катта аҳамиятга эга. Бунда тепа шоадаги мевалар ҳам бир текис бўлиб етилади. Йиғим-терим тугагандан сўнг иссиқхона ўсимлик қолдиқларидан тозаланиб, дезинфекция қилинади. Экиладиган ер чопилиб, келгуси экишга тайёрлаб қўйилади.

Экин экиш чизмаси: 40 x 60 x 90



ОЧИҚ ДАЛА БОДРИНГЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда бодринг кўчати уруғни тувакчаларга экиш усули билан тайёрланади.

Кўчат экиш даври 3 мавсумга бўлинади:

1. Ёзги-кузги мавсум;
2. Баҳорги-ёзги мавсум;
3. Эрта баҳорги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 25 000 та уруғ олинади. Уруғларнинг экилиш чуқурлиги 0,5-0,8 см ни ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Ёзги-кузги мавсум: август
2. Баҳорги-ёзги мавсум: май
3. Эрта баҳорги мавсум: февраль-март

Кўчат етиштиришда ёзги-кузги мавсум учун уруғни бевосита ерга экиш усулидан, баҳорги-ёзги ва баҳорги мавсум учун кўчат қилиш усули ва уруғни бевосита ерга экиш усуллари билан фойдаланилади.

Тупроқ: Экиш даврида тупроқ ҳарорати 20-22°C, намлиги 70-75% бўлиши лозим. Тупроқдаги рН (тупроқнинг ишқорийлиги) кўрсаткичи 6-6,5 бўлиши мақсадга мувофиқ. ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 1,5-2 ms ни ташкил қилиши керак. Тупроқ ҳароратини сақлаш ёки кўтариш учун тупроқни зичлаштириш (суғориш орқали) ёки мульчалаш мумкин. Агар тупроқ ҳарорати пасайиб кетса экин майдонига ишлов берилмайди. Бодринг экиш учун унумдор, органик моддаларга бой, юмшоқ тупроқлар тавсия этилади, шўрланган ерларда эса ўсмайди.

Ҳарорат ва нисбий намлик: Бодринг ўсимлигининг нормал ўсиб ривожланиши учун ҳаво ҳарорати 25-28°C бўлгани маъқул, уруғи эса 12-13°C да униб чиқади. Ҳарорат меъёридан кам ёки юқори бўлса экин барглари сарғаяди, найчалари тўкилиб кетади, ўсимликнинг ривожланиши тўхтайдди. Намлиги тахминан 75% бўлиши тавсия этилади. Ҳарорат пасайган пайтда экинларни плёнкалар билан қоплаш керак.



Суғориш ва ўғитлаш: Бодринг сувга талабчан бўлганлиги сабабли ўсимлик ўсиш даврида ҳар 4-6 кунда, ҳосилга киргандан сўнг ҳар 2-3 кунда суғориб турилади. Ҳар бир суғоришдан кейин ўсимлик қатор оралари культиваторда юмшатилади.

1 га майдонга 10 т чириган гўнг, 150-200 кг азот (N), 100-150 кг фосфор (P), 50-75 кг калий (K) солиш тавсия этилади. Гўнг ва калий тўлиқ меъёردа, фосфорнинг 75% шудгордан олдин, қолган 25% экиш жараёнида, азотли ўғитлар 2-3-чинбарг чиқарганда, гуллаш ва ҳосил териш даврида берилади. 1 га майдонга 300-400 кг суперфосфат бериш ҳам яхши самара беради. Бунда суперфосфат нормасининг ⅔ қисми гўнг билан қўшиб солинади, ⅓ қисми эса ўсиш даврида қўшимча озик сифатида берилади. Шипарелга олинган бодринглар сув ва озикани кўпроқ талаб қилади.

Бодринг гули ари, чумоли ва трипс ёрдамида чанглатилади. Бодринг барглари хўллигида экин майдонида ишлаш тавсия этилмайди, акс ҳолда, турли хил касалликлар тарқалиши мумкин. Палак ёзиб гуллаш бошлаши билан қатор ораларига ишлов бериш тўхтатилиб, фақат суғорилиб турилади.

Экин экиш: Баҳорги-ёзги ва баҳорги мавсумда 15 кунлик кўчат экиш тавсия этилади. Бодринг кўчати экилишидан 3-4 кун олдин бегона ўтларга қарши гербицидлардан фойдаланилади. Баъзи ҳолатларда бодринг очиқ дала майдонида шипалерларга ҳам олиндиб экилиши мумкин. Бундай шароитда қатор ва пушта ораллиги бир оз зичлаштирилади.

Экин экиш чизмаси: 40 x 70 x 120-170



ЁПИҚ ДАЛА ШИРИН ҚАЛАМПИРЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат уруғни тувакчаларга экиш усули билан тайёрланади:

Кўчат экиш даври 3 мавсумга бўлинади:

1. Кузги-қишки мавсум;
2. Қишки-баҳорги мавсум;
3. Ёзги-кузги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 30 000 - 35000 (40 000) та уруғ олинади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Кузги-қишки мавсум: сентябрь
2. Қишки-баҳорги мавсум: январь
3. Ёзги-кузги мавсум: июль

Барча мавсум учун кўчат етиштиришда уруғни тувакчаларга экиш усули қўлланилади.

Тупроқ: Ширин қалампир кумоқ ва яхши дренажли (сув туриб қолмайдиган) тупроқларни хуш кўради. Жуда ёпишқоқ лойли тупроқларда ширин қалампир яхши ривожланмайди ва ҳосилдорлиги паст бўлади. Тупроқнинг ҳарорати 17-18°C, нисбий намлиги эса 75-80% бўлиши тавсия этилади. рН (тупроқнинг ишқорийлиги) даражаси 6-6,5 бўлгани маъқул. ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 2,5 ms бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳарорат ва нисбий намлик: Иссиқхонанинг ҳарорати кундузи 20-25°C, кечаси 17-18°C бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳарорат 32-38°C га кўтарилиши билан ўсимликнинг ўсиши секинлашади, гуллари ва тугунчалари тўкилиб кетади. Ҳарорат 15°C гача пасайганда қалампирнинг ривожланиши секинлашади, 13°C га тушганда эса ўсишдан тўхтайдди. Иссиқхонада нисбий намлик 65-70% бўлиши тавсия этилади.

Суғориш ва ўғитлаш: Ширин қалампир салқинталаб иссиқсевар ўсимлик бўлгани учун нисбий намлик даражаси ва суғориш муҳим аҳамиятга эга. Иссиқхоналарда ширин қалампир 3 хил йўл билан суғорилади:

1. Томчилаб суғориш;
2. Ариқдан суғориш;
3. Ёмғирлатиб суғориш;

Бизнинг шароитимизда томчилаб ва ариқдан суғориш усули кўп қўлланилади. Экилган кўчатлар ўсиш даврининг дастлабки кунларида тупроқ таркиби, ер ости сувининг чуқурлигига мувофиқ ҳар 1 гектар майдон ҳисобига 600-700 м³ меъёрдa 8-10 кун оралатиб, кейин ҳосили тугиши даврида 5-8 кун оралатиб, бутун ўсув даври давомида 14-16 мартаба суғорилади. Биринчи суғориш қуёш ботгандан сўнг 0,5 соатдан кейин ва қуёш чиқишига 1-1,5 соат қолганда амалга

оширилади. Меваларда ёрилиш холлари кузатилганда кечки ва кечқурунги суғориш ишлари тўхтатилади. Тез-тез кам миқдорда суғорилса ўсимликнинг вегетатив, аксинча кам-камдан кўп миқдорда суғориш генератив ўсишига олиб келади.

Қалампир кўчати 2 марта озиклантрилади, биринчи марта кўчат 4-5 та барг чиқарганда 10 л сувга 40 г фосфор (P), 35-40 г калий (K), 10-15 г азот (N) солиб эритилади ва лейкада кўчат устига тўйдириб сепилади. Сўнгра устидан тоза сув сепиб ювилади. Иккинчи марта озиклантририш 12-14 кундан сўнг ўтказилиб, ўғитлар миқдори бир оз кўпроқ олинади.


1 га ерга 20-30 т гўнг, 200-250 кг суперфосфат солиш, ўсиш даврида 100-150 кг аммиакли селитра билан экинларни 1-2 марта озиклантририш тавсия этилади.

Бутун вегетация даврида кўчат экилгандан сўнг 1:1 нисбатда азот (N) ли, калий (K) ли ўғитлар бериб турилади. Ўсимлик мева бериб ҳосилга кира бошлагандан сўнг 1:2 нисбатда калийли ўғитлар берилади. Ширин қалампир қизариб пиша бошлагандан сўнг макроэлементларни бериш тўхтатилиб, микроэлементлар бериш тавсия этилади.

Ширин қалампирнинг ҳосил тугиши даврида майдонни суғоришга жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Захлатиб юбормаслик талаб этилади. Шунинг учун ушбу даврда суғориш эгатларини чуқур олиб, 5-6 кун оралатиб камроқ меъёр билан суғориб туриш тавсия этилади.

Экин экиш: Майсалар 5-6 та чин барг чиқарганда экилади. Кузги-қишки мавсум учун 55-60 кунлик, қишки-баҳорги мавсум учун 50 кунлик, ёзги-кузги мавсум учун 35-40 кунлик кўчат тўғри келади.

Экин экиш чизмаси: 40 x 60 x 80



Сақлаш: Ширин қалампирни паст ҳароратда ва ҳаво намлиги баланд бўлмаган шароитда сақлаш тавсия этилади. Яшил қалампир учун ҳарорат 10-12°C ва етилган рангли қалампир учун эса 7-12°C бўлиши лозим.

ОЧИҚ ДАЛА ШИРИН ҚАЛАМПИРЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат уруғни тувакчаларга экиш усули билан тайёрланади.

Кўчат экиш даври 2 мавсумга бўлинади:

1. Баҳорги-ёзги мавсум;
2. Ёзги-кузги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 60 000 - 70 000 та уруғ олинади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Баҳорги-ёзги мавсум: март
2. Ёзги-кузги мавсум: июль

Баҳорги-ёзги ва ёзги-кузги мавсум учун асосан уруғни тувакчаларга экиш усули билан кўчат тайёрланади. Уруғни тўғридан тўғри ерга экиш тавсия қилинмайди.

Тупроқ: Тупроқнинг ҳарорати 15-18°C бўлгани маъқул. Тупроқ ҳарорати ошиб кетган ҳолларда барглاردан мульча сифатида фойдаланиш яхши самара беради. Чунки барглар тупроқ ҳароратини бирмунча пасайтиради. Тупроқнинг нисбий намлиги 80-90% бўлиши тавсия этилади. Тупроқда намлик етишмаса ўсимлик тугунчалари тўкилиб кетади. рН (тупроқнинг ишқорийлиги) даражаси 6-6,5 бўлгани маъқул. Тупроқдаги рН кўрсаткичини ошириш учун ёғоч кулидан, пасайтириш учун эса компостдан фойдаланиш тавсия қилинади. ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 2,5 ms бўлса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳарорат ва нисбий намлик: Ҳаво ҳарорати кундузи 22-25°C, кечаси 16-18°C бўлганда ўсимлик яхши ўсиб ривожланади. Ҳарорат 11-13°C бўлса ўсимликлар ўсишдан тўхтайд, 30°C дан ошса, ҳаво ва тупроқ намлиги етишмаса ўсимлик гуллари тўкилиб кетади. Нисбий намлик 70-80% бўлгани маъқул. Ҳаво ҳарорати пасайган пайтда ўсимликлар плёнка билан қопланади. Ёз кунлари ҳароратнинг 30°C дан ошиб кетиши ширин қалампирни илдиз тизимини ва ўсиш нуқтасини бир оз қийинлаштиради, ҳаво намлигининг етишмаслиги эса ўсимлик гулларини тўкилиб кетишига олиб келади. Шу сабабли ёмғирлатиб суғориш яхши натижа беради. Кўчат тайёрланаётганда эса ҳароратни тахминан 16°C га, биринчи майсалар чиқа бошлаганда нормал ҳолатга (22-25°C) келтириш тавсия этилади.

Суғориш ва ўғитлаш: Ўсув даврида 3-4 кун оралатиб 15-16 марта, мевалари етилаётган даврда ва ёппасига териб олиш олдидан уларни тез-тез суғориб туриш керак (1 м² майдонга 10-30 л сув). Меваларда ёрилиш ҳоллари кузатилганда экинлар кечқурун суғорилмайди. Ширин қалампир ўсимлиги сувга талабчан бўлганлиги учун уни суғоришда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур:


1. Ёз кунлари эрталаб ва кечқурун суғоришда намлик меъёрида бўлиши керак;
 2. Тупроқ ҳарорати 25°C дан ошиб кетмаслигини таъминлаш керак;
- Чунки қалампир илдизлари бошқа томатдошлар оиласига кирувчи ўсимликларга нисбатан ҳарорат ва намликка жуда сезгир.

1 га майдонга 20-25 т гўнг, 300-400 кг суперфосфат, 150 кг азот (N) ли, 100 кг фосфор (P) ли ва 50 кг калий (K) ли ўғит бериш тавсия қилинади. Ушбу ўғитлар ўсимлик яхши ўсиб ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Агар азот моддаси етишмаса, барглар нимжон бўлиб, юқори учидан поясигача сарғаяди. Фосфор моддаси етишмаса, барглар тўқ қизил ёки тўқ яшил бўлиб қолади, ҳосил кам бўлади ва секин пишиб етилади. Калий моддаси етишмаса, ўсимлик пояси заифлашади, меваси қуриб, қовжираб қолади. Бор (B) моддаси каби микроэлементлар етишмаса, ўсаётган ўсимликнинг учи ўлади, барги сарғаяди ва меваси пўкак бўлиб қолади.

Булардан ташқари ўсимликнинг ўсиш даврида 1 га майдонга 80-100 кг аммиакли селитра билан экинларни 1-2 марта озиклантириш тавсия этилади. Экинлар ҳосили етилиши олдидан апробация қилинади ва нав жиҳатдан тозалаш ўтказилади. Бунда касалланган, кам ҳосил берган, шу навга хос бўлмаган ўсимликларнинг барчаси юлиб ташланади.

Экин экиш: Қалампир кўчати майсалар 5-6 та чин барг чиқарган пайтда далага экилади, уруғини эса 0,5-0,8 см чуқурликда экиш тавсия этилади. Баҳорги-ёзги мавсум учун 30 кунлик, ёзги-кузги мавсум учун 35 кунлик кўчат тўғри келади. Экин экишдан олдин ер 15 см чуқурликда культивация қилинади. Кўчатлар далага экилгандан сўнг майсалари ўзини тутиб олгач, қатор оралари 1-мартга юмшатилади, орадан 1 ой ўтгач қатор ораларига 2-мартга ишлов берилади.

Экин экиш чизмаси: **25 x 70 x 70 ариқ системаси**
30 x 90 x 50 томчилаб суғориш системаси



ДУГА ОСТИДА ҚОВУН ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат уруғни тувакчаларга экиш усули билан тайёрланади.

Кўчат экиш даври:

Қишки-баҳорги мавсум.

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 5 000 - 8 000 та дурагай уруғ олинади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

Қишки-баҳорги мавсум: январь

Ушбу мавсум учун уруғни тувакчаларга экиш усули (кўчат қилиш) ҳамда уруғни бевосита ерга экиш усули тўғри келади.

Тупроқ: Қовун органик моддаларга бой енгил тупроқни хуш кўради. Тупроқнинг оптимал ҳарорати 18-22°C бўлиши тавсия этилади. Агар тупроқ ҳарорати пасайиб кетса, тупроқ сал зичлаштирилади. Тупроқдаги рН (тупроқнинг ишқорийлиги) кўрсаткичи 6-6,5 ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 0,2-0,3 ms бўлгани маъқул. рН кўрсаткичини ошириш учун ёғоч кули, пасайтириш учун эса компост солинади. Тупроқнинг нисбий намлиги 80% бўлиши тавсия этилади.

Ҳарорат ва нисбий намлик: Уруғларнинг униб чиқиши учун минимал ҳарорат 14-15°C, оптимал ҳарорат 25-28°C бўлиши лозим. Агар ҳарорат 40°C дан ошиб кетса уруғ унмайди. Қовунларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ҳарорат кечаси 15-17°C, кундузи эса 25-30°C бўлгани маъқул. Мева тугиши ва етилиши учун оптимал ҳарорат кечаси 18-20°C, кундузи 25-33°C, ҳавонинг нисбий намлиги эса 60-70% бўлиши тавсия қилинади. Ҳарорат 10°C дан тушиб кетса, ўсимлик 2-3 соатда нобуд бўлади.

Суғориш ва ўғитлаш: Ерга уруғ ёки кўчат экилгандан бошлаб 2-3 майсалар чиққунга қадар 1-2 марта суғориш тавсия этилади. Ўсимлик гуллаётган пайтда тахминан 20-25 кун давомида суғормаслик тавсия этилади. Чунки бу сув гуллаш даврини секинлаштириши мумкин. Шундан сўнг ҳар 9-10 кунда суғориш тавсия этилади (умумий суғориш нормаси 8-10 марта, 6000-6500 м³ сув). Ўсимлик гуллашдан тўхтаб мева тугиш пайтида 1 га майдонга 2500-4000 м³ сув сарфлаш тавсия этилади. Қовунни томчилатиб суғориш яхши натижа беради. Экин ҳар 9-10 кунда эрталаб ёки кечаси суғорилади.


1 га майдонга 30-40 т чиринди гўнг, 240-250 кг суперфосфат солинади. Бўз тупроқли ерларга азот (N) 100-50 кг, фосфор (P) 100-150, калий (K) 50-60 кг, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларга азот 80-100 кг, фосфор 100-120 кг, калий) 50-60 кг солиш тавсия этилади. Экин экилишига қадар гўнг ва калий ўғитлари тўлиқ, фосфорли ўғитлар 70% меъёрда солинади, қолган 30% фосфор эса экин экилгандан сўнг берилади. Азотли ўғитлар йиллик меъёрнинг 50% ҳисобида 2 озиклантиришда: биринчиси биринчи ягонадан сўнг, иккинчиси гуллаш бошланганда берилади. Шу билан бирга бутун вегетация даврида кальций

(Ca) ва магний (Mg) микроэлементларини бериш тавсия этилади. Ушбу макро ва микроэлементлар қовун ўсиши ва ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўсимликка азот етишмаса барглари сарғайиб секин ўсади, кўпайиб кетса экин куйиб кетади. Фосфор етишмаса барглар тўқ қизил ёки тўқ яшил тусга киради, эски барглар хазон бўлади, ўсимлик секин ўсиб меваси ҳам секин етилади. Агар калий етишмаса ўсимлик пояси заифлашади, меваси қуриб қолади. Кальций етишмаса ёш барглар сарғаяди, пояси эса нимжонлашади. Магний етишмаса барг томирлари ўз рангини йўқотади.

Қовун асалари ва қовоқари ёрдамида чанглатилади. Экин палагини узунлиги 50-60 см га етиши билан 2-3 марта пуштага тараб чиқилади. Экинларни чопиқ қилиш парваришланинг самарали усули ҳисобланади. Тупроқ 14-16 см чуқурликда культивация қилинади. Кўчат экишдан олдинги культивация қилинганда аммиак селитраси (100-150 кг/га), 2-3 чинбарг чиққан пайтда эса кальций селитраси (100 кг/га) солиш тавсия этилади.

Экин экиш: Экин экишдан олдин ер 30-40 см чуқурликда яхшилаб ҳайдалади, сўнг планировка қилинади. Ернинг қиялиги 10°C дан кам бўлмаслиги керак. Ҳар бир қаторга режа тортиб кўчат экиладиган жой кавлаб чиқилади. Ҳар битта чуқурлик 5 см дан кам бўлмаслиги керак. Тайёрланган чуқурликларга 1 г дан фундозол порошоги солиниб, унинг устига кўчат экилади. Тўғридан тўғри ерга уруғ экишда эса уруғларнинг чуқурлиги 4-5 см бўлиши тавсия этилади. Қишки-баҳорги мавсум учун 20 кунлик кўчат тўғри келади.

Экин экиш чизмаси: 70 X 70 X 200-250



ОЧИҚ ДАЛА ҚОВУНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат уруғни тувакчаларга экиш усули билан тайёрланади.

Кўчат экиш даври 2 мавсумга бўлинади:

1. Баҳорги-ёзги мавсум;
2. Ёзги-кузги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 5 000 - 7 000 та уруғ олинади.


Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Баҳорги-ёзги мавсум: март
2. Ёзги-кузги мавсум: уруғ тўғридан тўғри ерга май-июнь ойларида экилади, яъни кўчат қилинмайди.

Баҳорги-ёзги мавсум учун уруғни тувакчаларга экиш усули (кўчат қилиш) ҳамда уруғни тўғридан тўғри ерга экиш усули, ёзги-кузги мавсум учун ҳам уруғни тўғридан тўғри ерга экиш усули тўғри келади.

Тупроқ: Қовун қуёш доим туриб турадиган ва озиқа моддаларга бой, енгил қумоқ тупроқларда яхши ўсади. Уруғнинг ўсиши учун тупроқ ҳарорати 13-18°C ни, ўсимликнинг яхши ўсиши учун эса 20°C ни ташкил қилиши лозим. ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) кўрсаткичи 0,3 ms бўлиши тавсия этилади.

Ҳарорат: Қовун уруғлари 15-17°C да унишни бошлайди, энг мақбул бўлган ҳарорат 30°C ҳисобланади. Ўсимлик ривожланиши учун оптимал ҳарорат 28-30°C бўлиши тавсия этилади. Ҳарорат 10°C дан туриб кетиши ёши катта бўлган ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади, ўсимликлар ўсиш ва ривожланиши тўхтайдди, агар бундан ҳам пасайса нобуд бўлади. Ҳарорат ошиб кетган ҳолларда нормадан кўпроқ суғориш, пасайганда плёнкалар билан ёпиш тавсия этилади. Қовун гули чангчилари ҳарорат 20°C дан кам бўлмаганида очилади.



Суғориш ва ўғитлаш: Қовунни суғориш унинг таркибидаги шакар моддасининг миқдорига катта таъсир қилади. Қовун кўчати 2-3 та чин барг чиққунча 1-2 марта, мева пишиш даврига қадар 10-15 кун давомида 2-4 марта суғорилади. Қовун пишиш муддати яқинлашган суғориш бир оз камайтирилади. Чунки кўп суғориш қовундаги қанд моддасининг камайишига олиб келади. Бутун вегетация даврида тупроқдаги намлик 60-65% ни ташкил қилиш керак. Асосан суғоришда қовуннинг навларига катта аҳамият берилади. Бунда қурғоқчиликка чидамли навлар учун намлик 55% бўлиши тавсия этилади. Қовун экилган ер вақти-вақти билан чопиб турилади. Чопиқнинг биринчиси дастлабки сув берилгандан кейин, иккинчиси (асосий ишлов) ўсимлик 3-4 та барг чиқарганда ва охиригиси оналик гул олдида ўтказилади.

1 га майдонга 30 т чириган гўнг, 200 кг аммиак селитраси, 400 кг суперфосфат солиш тавсия этилади. Булардан ташқари азот (N) 50-60 кг, фосфор (P) 50 кг, калий (K) 50 кг солиш мақсадга мувофиқ. Қовунга азот (N) меъёрдан кўп ишлатилмайди.

Фосфорли ва калийли ўғитлар тупроқга ишлов беришдан олдин, азотли ўғитлар экин экишдан олдин, аммиак селитрасининг ярми кўчатни далага ўтказишдан олдин, қолган ярми ўсимлик гуллаётган пайтда берилади.

Экин экиш: Кўчат тайёрлашдан аввал уруғларни рух (Zn) нинг 1% ли эритмасида 12 соат давомида ивитиш тавсия этилади. Ивитиш натижасида уруғларнинг тинчлик даври кўзгаб, қийғос униши дала шароитида 5-6 кунга тезлашади ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Уруғларнинг унвчанлик қувватини ошириш учун 40-50°C да 3-4 соат давомида қиздириб олинади, бу ўз навбатида ўсимликнинг оналик гуллари кўпайтиради.

Кўчат экишдан олдин куз фаслида майдон 28-30 см чуқурликда шудгорланади. Кўчат тайёрлаш учун диаметри 8-10 см бўлган тувакчалар керак бўлади. Қовун кўчати 3-4 та чин барг чиқарган пайтда далага экилади. Баҳорги-ёзги мавсум учун 17-20 кунлик кўчат тўғри келади. Баҳорги-ёзги мавсумда уруғ 1-2 см, ёзги-кузги мавсумда эса 3 см чуқурликда экилади.

Экин экиш чизмаси: 80 x 90 x 350-400



ОЧИҚ ДАЛА ПИЁЗЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш:

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда кўчат қуйидаги усулда тайёрланади:

1 кг уруғни 1-1,5 соток пол ер тайёраб сепилади (1 килограмда 250 000 дона уруғ бўлади);

Кўчат экиш даври 2 мавсумга бўлинади:

1. Кузги-баҳорги мавсум (қишлаб чиқадиган пиёз ёки тўқсон бости усули);
2. Баҳорги-ёзги мавсум;

1 га ер майдонига етарли кўчат етиштириш учун 800 000-1 000 000 та уруғ олинади.

Кўчат тайёрлаш вақти:

1. Кузги-баҳорги мавсум: август-сентябрь
2. Баҳорги-ёзги мавсум: февраль-апрель

Кузги-баҳорги ва баҳорги-ёзги мавсум учун кўчат қилиш усули ҳамда уруғни тўғридан тўғри ерга экиш усули тўғри келади.

Тупроқ: Пиёз учун механик таркиби енгил қумоқ бўлган оч тусли бўз тупроқлар яхши ҳисобланади. Шўрланган ва ботқоқ тупроқлар эса яроқсиз. Тупроқга органик ўғитлар- гўнг, компост ҳам солиш керак. Тупроқ ҳарорати тахминан 17-18°C бўлгани мақсадга мувофиқ. Тупроқнинг намлиги ўсимлик ўсиш даврида 50-60%, мева қилиш даврида эса 40-50% бўлгани маъқул. Тупроқдаги рН (тупроқнинг ишқорийлиги) кўрсаткичи 6-6,5, ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 0,2 ms ни ташкил қилиши керак. Тупроқ ҳарорати пасайган ҳолларда мулчалаш яхши натижа беради, кўтарилганда эса тупроққа вақтинчалик ишлов бермаслик тавсия этилади.

Ҳарорат ва нисбий намлик: Пиёз совуққа чидамли ўсимлик бўлгани учун унинг уруғи 3-5°C да нишлай бошлайди. Пиёзнинг ўсиши учун оптимал температура ривожланишнинг биринчи даврида 5-10°C, паллалар ҳосил қилаётганда 15-20°C, етилаётганда 20-25°C бўлиши лозим. Ҳарорат бундан паст бўлса пиёзбош сууст ўсади, ҳарорат юқори бўлса, таркибидаги пластик моддаларнинг нафас олишга сарфланиши туфайли пиёзбош майда бўлиб қолади ва илдизларнинг ўсиши тўхтаб қолади. Пиёз учун ҳавонинг нисбий намлиги 60-70% бўлиши мақбул ҳисобланади.

Суғориш ва ўғитлаш: Пиёз бошида ҳар 8-10 кунда, ўсув даврида 3-4 кунда суғорилади. Сўнгра пиёз боши ўсишдан тўхтаганда ҳар 12-15 кунда бир марта суғорилиб, пишишига бир ой қолганда эса суғориш тўхтатилади. Пиёз вегетация даври мобайнида жами 18-20 марта, сувга яқин жойларда эса 12-14 марта суғорилади. 1 га майдонга ҳар суғоришда тахминан 500-700 м³ миқдорда сув бериш тавсия этилади. Ҳар галги суғоришдан кейин қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни юлиб ташлаш, гулпоя ҳосил бўла бошлаганда чопиқ қилиш керак. 8-10 та барг кўрингач ўсимликка шакл бериш лозим бўлади. Бош пиёз илдиз тизимининг кучсиз ривожланиши ва ернинг юза қатламида жойлашганлиги туфайли тупроқдаги минерал озуқа элементларга жуда

талабчан бўлиб, азот (N), фосфор (P), калийли (K) ўғитлар тўлиқ қўлланса мўл, истеъмолга ва узоқ сақлашга мос ва сифатли ҳосил беради. Тупроқ аралашмаси N-азот, P-фосфор, K-калий билан озиқлантирилади, яъни 100 м² майдонга 10 кг -N, 10 кг-P, 20 кг-K солинади. Шунда умумий озуқа аралашмаси қуйидаги миқдорда бўлади: N - 100 кг, P -100 кг, K - 200 кг, Ca - 25 кг, Mg - 5 кг, шу жумладан: вегетация даврида: N - 40, P - 45 кг, K - 80 кг, пиёз бош олиш даврида: N - 60 кг, P - 55 кг, K - 120 кг, Mg - 5 кг

Пиёз экишдан олдин куз мавсумида ер яхшилаб ҳайдалган (27-30 см чуқурликда) бўлиши лозим. Баҳорда эса ер енгилгина, тахминан 5 см чуқурликда ҳайдалиши керак. Шунда экилган уруғлар ернинг капилляр хусусиятига мувофиқ намлик олиш даражасига эриша олади.

Пиёз экиладиган ерга янги гўнг солинмайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва яхши сақланмайди. Пиёз йиғиштириб олинмасдан ёки қазиб олиш вақтида апробация ўтказилади.

Экин экиш: Кузги-баҳорги ва баҳорги-ёзги мавсум учун тахминан 30 кунлик кўчат керак бўлади. Пиёз кўчати 3-4 та чин барг чиқарган пайтда экилади. Пиёз уруғи 0,5-0,8 см чуқурликда экилади. Экин ҳар бир пуштага 10 x 7 схемада экилади, яъни кўчат оралиғи энига ҳам бўйига ҳам 10 см бўлади. Шунда ҳар бир пуштага (энига) 10 тадан кўчат тўғри келади.

Экин экиш чизмаси: 10 x 80 x 70



ОЧИҚ ДАЛА ВА ПЛЁНКА ОСТИДА КАРАМ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасини иқлим шароитдан келиб чиққан ҳолда очик дала шароитида ва плёнкалар остида карам етиштириш куйдагича ташкиллаштирилади:

1. Уруғлар аввалдан тайёрлаб қўйилган ва махсус ишлов берилган ерга ташланади.
2. 3 ёки 4 чинбарг чиқарган кўчат полиэтилен халтача ёки махсус кассеталарга кўчириб экилади.

Ерга уруғ ташлаш мавсуми 3 га бўлинади:

1. Қишки мавсум: декабрнинг охириги 10 кунлигида (айрим вилоятларда октябрь ойида)
2. Қишки мавсум: февраль-март ойларининг боши;
3. Баҳорги-ёзги мавсум: май-июнь;

Кўчатларни ерга ўтказиш 3 мавсумга бўлинади:

1. Қишки мавсум: январь-февраль;
2. Баҳорги мавсум: апрель-май;
3. Ёзги мавсум: июнь-июль;

1 га ер майдонига кўчат чиқариш учун 50 000 – 60 000 уруғ керак бўлади. Уруғлар 0,5-0,8 см чуқурликка ташланади.

Оқ бош карамни тупроқ таркибида оғир тузлар ва ишқорий моддалар кам бўлган ерларда яхши ривожланади. Кўчат экаётган вақтда ернинг нисбий намлигига эътибор қаратиш лозим. Ернинг нисбий намлиги 80%, харорати 18°C, рН кўрсаткичи 6-6,5 (тупроқнинг ишқорийлиги) ва ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 1,7-2 ms бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Харорат: Ҳавонинг кундузги харорати 25-28°C бўлганда карамдошлар жуда яхши ривожланади, агар харорат 10°C дан пастга тушиб кетса кўчат ўсишдан тўхтайдди. Ҳаво харорати бирданига 5-0°C (асосан қиш ва баҳор ойларида) тушиб кетса ёки кечаси билан кундузги харорат фарқи катта бўлса карамдошлар оиласига мансуб экинларни гуллаш ҳолатига олиб келади. Бундай ҳолатлардан сақланиш учун экилган кўчатни ҳимоялаш зарур.

Агротехникани асосий омилларидан бири бу экинни тўғри суғориш ва озуқлантиришдир. Кўчат ривожланиш даврида 3-4 мартаба, карам бош шаклланаётган даврда тез-тез суғориш керак.

Ўғитлаш: Куз пайтида ер ҳайдови жараёнида ҳар бир гектарга 20-25 тн мол гўнги, 150-200 кг фосфорли ва калийли ўғитлар солинади. Баҳорги мавсумда кўчат экилгандан кейин 250-300 кг/га азотли, 250 кг/га фосфорли, 150-200 кг/га калийли ўғитлар бирин-кетин ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда солинади.

Кўчат экиш схемаси

Ариқ тури учун 40 x 70 x 70
Томчилаб суғориш учун 40 x 90

1 га учун сарф бўладиган кўчат сони 35 000 – 45 000 дона.

ОЧИҚ ДАЛА, ПЛЁНКА ОСТИ ВА ИССИҚҲОНАЛАРДА ГУЛКАРАМ ВА БРОККОЛИ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасини иқлим шароитдан келиб чиққан ҳолда очик дала, плёнкалар остида, плёнкали ва ойнаванд иссиқхоналарда гулкарам ва брокколи етиштириш чора-тадбирлари:

1. Уруғлар тўғридан-тўғри махсус халтачаларга ёки кассеталарга ташланади.
2. Уруғлар аввалдан тайёрлаб қўйилган ва махсус ишлов берилган ерга шаблон асосида ташланиб, 3 ёки 4 чинбарг чиқарган кўчатни махсус халтачаларга ёки кассеталарга кўчириб экилади.

Ерга уруғ ташлаш 3 мавсумга бўлинади:

1. Қишки мавсум: декабрь ойининг охириги 10 кунлигида (айрим вилоятларда октябрь ойида);
2. Қишки-баҳорги мавсум: февраль-март ойининг бошида;
3. Баҳорги-ёзги мавсум: май-июнь;

Кўчатларни ерга ўтказиш 3 мавсумга бўулинади:

1. Қишки мавсум: январь-февраль;
2. Баҳорги мавсум: апрель-май;
3. Ёзги мавсум: июнь-июль;

1 га ер майдонига кўчат чиқариш учун 50 000 – 60 000 уруғ керак бўлади. Уруғлар 0,5-0,8 см чуқурликка ташланади.

Гулкарамни тупроқ таркибида оғир тузлар ва ишқорий моддалар кам бўлган ерларда яхши ривожланади. Кўчат экаётган вақтда ернинг нисбий намлигига эътибор қаратиш лозим. Ернинг нисбий намлиги 80%, харорати 18 °C, рН кўрсаткичи 6-6,5 (тупроқнинг ишқорийлиги) ва ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 1,7-2 ms бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Харорат: Ҳавонинг кундузги харорати 25-28°C бўлганда карамдошлар жуда яхши ривожланади, агар харорат 10°C дан пастга тушиб кетса кўчат ўсишдан тўхтайдди. Ҳаво харорати бирданига 5-0°C (асосан қиш ва баҳор ойларида) тушиб кетса ёки кечаси билан кундузги харорат фарқи катта бўлса карамдошлар оиласига мансуб экинларни гуллаш ҳолатига олиб келади. Бундай ҳолатлардан сақланиш учун экилган кўчатни ҳимоялаш зарур.

Агротехникани асосий омилларидан бири бу экинни тўғри суғориш ва озуқлантиришдир. Кўчат ривожланиш даврида 3-4 мартаба, карам бош шаклланаётган даврда тез-тез суғориш керак.

Ўғитлаш: Куз пайтида ер ҳайдови жараёнида ҳар бир гектарга 20-25 тн мол гўнги, 150-200 кг фосфорли ва калийли ўғитлар солинади. Баҳорги мавсумда кўчат экилгандан кейин 250-300 кг/га азотли, 250 кг/га фосфорли, 150-200 кг/га калийли ўғитлар бирин-кетин ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда солинади.

Кўчат экиш схемаси

Иссиқхоналар учун 50 x 70
Ариқ тури учун 50 x 70 x 70, 45 x 70
Томчилаб суғориш учун 40 x 45, 40 x 70,

1 га учун сарф бўладиган кўчат сони:
иссиқхоналарга 25 000 дона, очик далага 35 000 - 45 000 дона.



ОЧИҚ ДАЛА, ПЛЁНКА ОСТИДА ВА ИССИҚҲОНАЛАРДА АЙСБЕРГ САЛАТИНИ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасини иқлим шароитдан келиб чиққан ҳолда очик дала, плёнкалар остида, плёнкали ва ойнаванд иссиқхоналарда айсберг салатини етиштириш чора-тадбирлари:

1. Уруғлар тўғридан-тўғри махсус халтачаларга ва кассеталарга ташланади.
2. Уруғлар аввалдан тайёрлаб қўйилган ва махсус ишлов берилган ерга шаблон асосида ташланиб, 3 ёки 4 чинбарг чиқарган кўчатни махсус халтачаларга ёки кассеталарга кўчириб экилади.

Иссиқхона шароитида йил давомида ва очик дала шароитида апрелдан то августгача экилиши мумкин.

1 га кўчат чиқариш учун 80 000 уруғ керак бўлади. Уруғлар 0,5-0,8 см чуқурликка ташланади.

Кузги-қишки ва қишки-баҳорги мавсумларда кундузги ва кечки хароратнинг кескин фарқ қилиши (15-20°C) натижасида ўсимликнинг стресс ҳолатга тушиб қолиш эҳтимоли бор. Бунда ўсимликнинг гуллашга мойиллиги ошади. Бундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун хароратни кечаси 17°C ва кундузи 25°C иссиқликда ушламоқ зарур.

Айсберг салатини тупроқ таркибида оғир тузлар ва ишқорий моддалар кам бўлган ер кўрсаткичи 6-6,5 (ишқорийлиги) ва ЕС (тупроқнинг электр ўтказувчанлиги) 1,7-2 ms бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Агротехниканинг асосий омилларидан бири бу экинни тўғри суғориш ва озуклантиришдир. Кўчат ривожланиш даврида 5-6 мартаба, барг шаклланаётган даврда шароитдан келиб чиққан ҳолда тез-тез суғормоқлик барглари тезроқ ўраб тўлишига ёрдам беради.

Ўғитлаш: Кўчат экилишдан олдин ер ҳайдовига куз пайтида 25-30 тн/га мол гўнги, 200-250 кг/га фосфорли 150 кг/га калийли ўғитлар солинади. Баҳорги мавсумда кўчат экилгандан кейин 300 кг/га азотли, 250 кг/га фосфорли, 200 кг/га калийли ўғитлар бирин-кетин ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда солинади. Барг массасини ривожлантириш ва ички чиқаришларни олдини олиш мақсадида калий ва кальцийни қўшимча баргдан бериш тавсия этилади.

Кўчат экиш схемаси:

томчилаб суғоришга 35 X 70, 35 X 1,40 ва ариқдан суғоришга 35 X 70.

1 га учун сарф бўладиган кўчат сони:
иссиқхоналар учун 50 000 - 60 000 дона, очик дала учун 65 000 - 70 000 дона.

ЭКИНЛАРНИНГ ЧИДАМЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Мазкур каталогда келтирилган таърифлар ва тавсиялар бизнинг ўз тажрибамизга асосланган. Ушбу ахборот умумий тусга эга бўлиб, профессионал сабзовоткорлар маҳаллий етиштириш шароитларни ҳисобга олиб бу ахборотлардан фойдаланишлари мумкин. Энза Заден ушбу ахборотга асосланган экинларни ишлаб чиқаришда олинган натижалардаги оғишлар учун жавобгар бўлмайди. Харидор тавсия ва кўрсатмалар маҳаллий шарт-шароитларга мос келишини мустақил аниқлаши керак. Касаллик қўзғатувчилар ва зараркундалар тўғрисидаги барча маълумотларни компаниянинг www.enzazaden.com сайтдан олишингиз мумкин.

Этиборингизни қуйидаги маълумотларга қаратамиз:

Экинларда касалликларни қўзғатувчилар ва зараркундалар кодлар билан белгиланган (кодлар рўйхатини www.enzazaden.com сайтида ҳам кўриш мумкин). Нав ёки дурагай биттадан кўп патогенга чидамли бўлган тақдирда, жадвалда патогенлар “/” белгиси ёрдамида ажратиб қўйилган:
- маълум бир навнинг кодида бир неча патогенларнинг (касаллик қўзғатувчилар) ирқлари қайд этилиши, навнинг айнан қайд этилган касалликнинг мавжуд ирқларига чидамлилигини англатади.
- агар навнинг кодида фақатгина бир касаллик қайд этилган бўлса нав айнан кўрсатилган касалликка чидамлилигини билдиради. Шунинг учун патоген ирқлари юзага келиши ёки келмаслигига кафолат берилмайди.

Экинларнинг чидамлилиги даражасининг икки тури мавжуд:

HR - High resistance (юқори чидамлилик даражаси) – экинларнинг маълум касаллик ёки зараркунанда ўсиши ва ривожланишини чеклаш қобилиятини белгилайди. Шунга қарамай, шу экинлар ҳам кескин инфекция фонда зарарланиш ва зиён етказиш аломатларини намоеъ қилиши мумкин.

IR - Intermediate resistance (ўрта чидамлилик даражаси) – экинларнинг маълум касаллик ёки зараркунанда ўсиши ва ривожланишини чеклаш қобилиятини белгилайди, лекин юқори чидамли экинларга қараганда зарарланиш ва зиён етказиш аломатлари кўпроқ даражада намоеъ бўлиши мумкин. Бунда ўрта чидамли экинлар худди шу етиштириш шарт-шароитларида ва /ёки худди шу инфекция фонда мойил экинларга қараганда камроқ аломатларни намоеъ қилади.

Tm: A Tm: 0,1,2,3 коди Ширин Қалампир навининг Bell Pepper Mosaic Virus, Pepper Mild Mottle Virus, Tobacco Mild Green Mosaic Virus, Tobacco Mosaic Virus, Tomato Mosaic Virus (Тамаки мозаикаси вируси) касалликларнинг 0,1,2 ва 3 ирқларига чидамлилигини билдиради.



		Коди	Илмий номи	Ўзбекча номи
